

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
“ТИҚХММИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚАРШИ ИРРИГАЦИЯ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

ТЕМУРИЙЛАР ПИРИ

**ЁҲУД ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ
АҲРОР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ**

Илмий рисола

Қарши, “Интеллект”, 2023 йил.

UDK: 7.091 (075)

КБК: 85.33

Шерхон Қораев. Темурийлар пири ёхуд Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ва Алишер Навоий. Илмий рисола (Матн). Қарши. “Интеллект” нашриёти. 2023 йил. 74 бет

Ушбу илмий китобда авлиёлар султони Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий ва буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ўртасидаги пиру муридлик ва устоз-шогирдлик муносабатлари ҳақида сўз борган.

Маълумотларга қараганда, Навоий Самарқандга борганда, авлиёлар султони суҳбатларидан баҳраманд бўлган.

Рисолада икки буюк авлиёлар ҳамда уларнинг ўхшаш ва муштарак жиҳатлари тўғрисида ҳам сўз юритилган.

Ушбу тадқиқот кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори

Юлдуз ЭРГАШЕВА,

Махсус муҳаррир:

Тарих фанлар доктори

Парда НОРБЎТАЕВ.

Такризчилар:

Филология фанлари доктори

Нафас ШОДМОНОВ,

Филология фанлари доктори

Дилнавоз ЮСУПОВА.

Ўзбекистон Республикаси “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университетининг Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти Илмий Кенгашининг 2023 йил 16 апрелдаги мажлиси 7-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-9357-4-8

© Шерхон Қораев, 2023

© «Интеллект» нашриёти, 2023.

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ СОҶИБЛАРИ

Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти сайловчиларининг вакиллари билан учрашувда Самарқанд дунё илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ўрин тутадиган Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Қозизода Румий, Али Қушчи, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Абулайс Самарқандий, Давлатшоҳ Самарқандий каби кўплаб азиз авлиёлар, шоир ва алломалар учун камолот бешиги бўлиб хизмат қилганини таъкидладилар. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти Марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (Мухтарам Юртбошимиз таклифи билан унинг номи Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази деб ўзгартирилди)да ҳам ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошларимиз қатори Хожа Аҳрор Валий беназир меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, унинг илмий-маънавий жасорати, улуғ инсоний фазилатларини кенг тарғиб қилиш назарда тутилади. Бинобарин, ўз замонининг шайхул машойихи, қутбул авлиёси Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий нашқбандийлик сулуки пешволаридан бири бўлганки, бу улуғ зот мутафаккирлар, фозиллар, зиёлилар, шоиру адиблар тафаккурининг шаклланишида ҳамда адабиёт, маънавият, маданият ривожига муҳим рол ўйнаган.

НАВОИЙ ДУНЁҚАРАШИНING ШАКЛЛАНИШИДА

Буюк мутафаккир Алишер Навоий фаолияти ва ижодида ҳам азиз авлиё нашқбандия имомларидан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор таъсири ва ўхшаш жиҳатларни кўриш мумкин. Навоийшунос Шухрат Сирожиддинов Абдураззоқ Самарқандийнинг “*(Навоий) ...авлиёлар қутби Хожа Носириддин Убайдуллоҳнинг... файзли бузруквор мажлисидан файз ва офтоб янглиз мунаввар сийратидан баҳра олган*”лиги ҳақидаги қайдларидан келиб чиқиб, бу Навоий дунёқараши ва мафқураси ташаккулнинг босқичларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтган.

Бинобарин, Навоийнинг тафаккури ва дунёқараши ҳамда сўфийлик қарашларининг шаклланишида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ҳузуридаги сўфиёна мажлислар ва у билан ўтказган суҳбатларнинг катта таъсири бўлган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Улки (Хожа Убайдуллоҳ) бу офоқ ичида тоқ эрур,

Тоқ неким муршиди офоқ эрур.

Юз кўюбон қуллизига шоҳлар,

Базмида беҳуд ўлуб огоҳлар.

Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,

Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб.

Суҳбатида ҳар неча бешакку райб,

Жилва қилиб шоҳиди раъноий гайб.

Абу Тохирхожа “Самария” асарида ҳам яхшилар кутби, солиҳлар ғавси Носир ул-миллат ва-д-дин ҳазрат Хожа Аҳрорнинг билим эгаларини севганини, мажлиси ҳамиша олим кишилар билан тўла бўлганини айтиб ўтади. Бу дарвешона мажлисларда Навоийнинг шариат ва тариқат борасидаги билимлари такомиллашиб борган ва ушбу ўрганганларини кези келганда ўз асарларида акс эттирган. Бундан ташқари, Навоий Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳузурида нақшбандия тариқатидан таълим олган.

“Тариқат сўзининг маъноси йўл демак. Яъни, илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўли.

Тариқатда мақомот ва ҳол тушунчалари муҳим ўрин тутди. “Мақомот” – мақом (манзил, бекат) сўзининг кўплиги бўлиб, солиқнинг руҳий – маънавий камолоти босқичларини англатади. Абунаср Саррож тариқатнинг қуйидаги мақомларини қайд этган: 1.Тавба, 2.Вараъ, 3.Зухд, 4.Фақр, 5.Сабр, 6.Хавф, 7.Ражо, 8.Таваккул, 9.Ризо.

Тавба – қайтиш демак, яъни камолотга, олий ахлоқий сифатларга қайтиш. Тавбани бобул абвоб – эшикларнинг эшиги ҳам дейдилар, чунки тариқатга қадам қўйган одамнинг нияти ва моҳияти аввало шу тавбасида аёнлашади. Тавбанинг ҳақиқати шуки, солиқ Худога етишиш йўлига ғов бўладиган жаъмики нарсалардан қайтишга қасамёд этади, бутун интилиши, таважжухини Аллоҳга қаратади, аввалги ҳаёт тарзидан бутунлар

воз кечади. Тавба: куфрдан қайтиш, шариат манъ этган наҳъи ва ёмон ишлардан қайтиш, замима ахлоқдан ҳамида ахлоққа қайтиш, ҳаққа ғайри бўлган нарсалардан қайтиш кабиларни ўз ичига олади. Тавбанинг моҳияти ўз нуқсонларини кўра билиш, ўзини аҳволини англаш, қабих ишлар, қабих феъл ва қабих фикрдан қайтиш, дунёнинг маънисизлиги, арзимаслигини англаб, зулму адолатсизликдан қайтишни ҳам билдиради...

Вараъ сўзининг маъноси парҳез, тақво бўлиб, булғанишлардан, маънавий зарар келтирадиган шубҳалардан сақланиш демакдир. Шиблийнинг кўрсатишича, вараънинг уч кўриниши бор: Тил вараъси, яъни тилни беъмани гаплар учун ишлатмаслик, ғийбат - тухматга берилмаслик; Кўз вараъси – шубҳали нарсаларга боқмаслик; Қалб вараъси, яъни паст ҳимматни тарк этиш ва нохуш қилиқларни қилмаслик... Хуллас, тилга, кўзга, қулоққа ва оёққа банд солиш.

Зухд – вараънинг давоми ҳисобланади, бу ҳам парвез ва ҳазар қилиш демакдир...Зухд сўфий учун дунё ва охират тарки, дунё молига эга бўламан, деб интилмасликдир...

Фақр – маъноси қашшоқлик, банаволик. Сўфийлар наздида улуғвор илоҳий моҳият касб этиш бўлиб, Худога бандаликни сидқидилда олий даражада бажо келтириш, бандаликдан шараф топиш, ниёзмандлик ва талабгорликда йўлдаги тупроқ мисол ному нишонсиз бўлиш, Илоҳ наздида ўзини зарра, балки заррадан ҳам кам деб ҳисоблаш. Ва шу мартабада комиллик рутбасини қозониш ҳам...

Сабр – тоқат, чидам. Сўфийлар тилида қийинчиликлардан шикоят қилмаслик, айниқса, Худодан бошқага нола - илтижо қилмаслик. Сабр этувчи (Собир) ўзини бало гирдобига солиб, балолардан кўркмайдиган одамлар...

Хавф – қалбнинг ишончдан, иймон аминидан чиқиши, иккиланиш, таҳлика. Вақтинчалик шайтон найранги ҳам кўнгилга хавф – кўрқув солади. Солик азобдан эмас, балки макрдан, нафс макрида кўрқади. Ваҳоланки, шайтон иймони мустаҳкам одамдан кўрқиши керак.

Рижо – умидворлик. Қалбниг келажакда маҳбуб васлига етишишидан умидворлиги, хавфда қутилиш умиди...

Таваккул – барча яхши-ёмон ҳодисалар, ишлар Худодан деб билиш, куллан Парвардигорга суяниш. Таваккул илоҳий файзга эътимодли кишининг иймонидир. Бу маърифат камолидан келадиган олий мақомдаги иймондир. Барча ҳолларда ва амалларда Аллоҳга суяниш...

Ризо – қалбдан қабоҳат – кирларнинг кетиши, қазову қадар ҳукмига бўйсунуш, нафс розилигида чиқиб, Ҳақ розилигига киришдир...

Айрим тадқиқотчилар тилга олинган мақомлар ёнига яна қаноат, сидқ, итминон (тўла ишонч), шукрни ҳам қўшганлар. Бироқ кўриб ўтганимиз тўққиз мақом қаноат, шукр ва итминонни ўз ичига олади”¹.

Мақомат даражаларини бир-бир эгаллаб муваффақиятга эришган солиқ Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, “ҳол мартабасига етади ва тасаввур-тахаййўлда илоҳий жамолни мушоҳада қила бошлайди, қалбини завқу шавқ қамраб олади. У шундай бир ҳолатга кўтариладики, бутун аъзолари гўё Аллоҳ дейдиган, ҳар нафаси буюк Тангрининг борлигидан хабар берадиган бўлади. Алишер Навоийнинг ёзишича, “Боязид намоз қилса эрди, кўксининг сўнгаларидан қаъқаа (Аллоҳ деган қичқирик) чиқор эрди. (Алишер Навоий. 15-жилд 78-79-бетлар). Боязид Бистомийнинг шогирди машҳур шайх Абулҳасан Харақонийдан Илоҳга мушарраф бўлган дилнинг аломати надур, деб сўраганларида ул киши дебдурлар: “Бошидан то оёғигача Худонинг борлигини иқроп этса ва оёқ – кўли, юриш – туриши, нигоҳи ва ҳатто бурунларидан кириб – чиқаётган ҳавоси (нафаси) ҳам “Аллоҳ” деб турса – аломати шудир”...

Аммо баъзиларнинг фикрича, ҳол мартабаси мақомотдан кейин келадиган руҳий хусусият бўлмасдан, балки мақомларни бир-бир эгаллай бориш жараёнида юз беради. Бошқача айтганда, мақом қатъий амалий назорат босқичи, ажзу изтиробнинг чуқурлашиб, кучайиб боришини англатса, ҳол – руҳий тараққиётнинг натижа – ҳосиласини билдиради; солиқда ўзга ҳолатнинг, ўзга руҳий кайфиятнинг юзланишидан хабар бериб туради. Ҳол (кўплиги аҳвол) – ўзига хос қисқа муддатли кайфият, қалбнинг порлаши, чакмоқ чақилгандай ярқираган чароғон нурни

¹ Комилов Н. Тасаввуф. Биричи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996.-Б.20-28.

туйиш лаззати. У бир лаҳзада пайдо бўлиб, яна ғойиб бўлиши мумкин. Ҳол – илоҳий раҳмат ва баракатнинг нузул бўлиши, қуйилиб келишидир...

Тасаввуф аҳли орасида “Илми қол” ва “Илми ҳол” деган тушунчалар бўлган. “Илми қол” тил билан ифодаласа бўладиган илмлар, яъни зоҳирий илмлар, чунончи шариат илми ҳам шунга кирган. “Илми ҳол” эса инсондаги сўз билан тушунтириб бўлмайдиган ғаройиб руҳий кечинмалар, фавқулодда феъл-атвор, хислатларнинг намоён бўлишидир...

Сўфийлар яна дейдиларким, ҳолни тиришиш, таълим – таҳсил билан қўлга киритиб бўлмайди, чунки ҳол – атоийи Худодир, ғайбдан келган тухфа – неъматдир. Мақомни эса таълим – таҳсил, жаҳду жиҳод билан касб этса бўлади. Шундай қилиб, ҳол – Аллоҳ инояти, мақом этилган мартаба.

Худди мақоматнинг босқичлари бўлганидай, ҳолнинг ҳам тасниф – таърифга келтирилган босқичлари мавжуд. Чунончи: 1. Қурб. 2. Муҳаббат. 3. Шавқ. 4. Унс. 5. Мужоҳида. 6. Мушоҳида. 7. Мукошифа.

Қурб (яқинлик) – солиқнинг ўзини Тангри таолога яқинлашганини ҳис этиш ҳолати, Худонинг ҳузурини бевосита сезиш, Худо нигоҳининг тушишини ҳам англатади... Муҳаббат мақоми қалбда кучли туғённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, кудрату нусрат, неъмат роҳат эгаси Тангри томон талпинишдир. Шавқ – муҳаббатнинг зўрайиши, Унс (Дўстлашув) эса кўникиш, Худо меҳрига, шафқатига одатланишни англатади. Мужоҳида – нафсни маҳв этишга қатъий интилиш, танга машаққатни раво кўриб, маънавият учун жиҳод, яъни жангга кириш ва ғалаба қилиш, демак. Мана шундай жидду жаҳд, шиддатли руҳий изтироблардан кейин солиқ Ҳақ жамолини мушоҳида эта бошлайди, мушоҳада (кўриш) эса ўз навбатида ғайб пардаларининг очилиб, илоҳий сирларнинг кашф этилишига йўл очади – мукошифа мартабаси ҳосил бўлади...

Бошқача қилиб айтганда, тариқатдан мақсад маърифатдир...

Тасаввуф назариётчиларидан бири Абдураззоқ Кошоний Ибн ал-Арабий қарашларига суяниб, маърифатга бундай таъриф берган: “Маърифат мухтасар илмларни тафсилотлар суратида танимоқдир,

илоҳий маърифат илоҳий зот ва сифатларни аҳвол ва ҳодисалар тафсили ва нузул бўлган амрлар суратида таниш демак”...

Илоҳий маърифатни эгаллаш мартабалари эса қуйидагича:
1. Солик ҳар бир нарсани кўрганда, уни Мутлақ фоилнинг асари деб билсин, яъни дунё ва бошқа одамлар ўз-ўзидан мавжуд эмас, балки улар азалий ва абадий, қодиру холик, аҳаду самад Парвардигорнинг сунъидан яралган ва Парвардигор туфайли мавжуд эканига биру бор ишонсин, имон келтирсин. 2. Мутлақ фоилдан бўлган ҳар бир асарни кўрганда тасаввур ва тахаййул билан уни Мутлақ фоил сифатларидан қайси сифати зуҳури эканлигини англаб етсин. Чунки Парвардигорнинг беҳисоб сифатлари бўлиб, олам ўзгаришлари, воқеа – ҳодисалар, нарсалар хусусияти Унинг муайян сифатининг натижасидир. 3. Ҳақ муроди – мақсадини ҳар бир сифат тажаллисида (порлашида) англаб етсин (танисин). 4. Солик илоҳий илм суратини ўзининг маърифати суратида танисин ва ўзини илму маърифат, балки вужуддан ҳам соқит этсин...

Ишқ – камолот калити ва иксири аъзам, ишқ мис вужудимизни олтинга айлантирувчи кимё. Ишқ одамни ҳайвонликдан халос этади, одамзод наслини бадбахтлик, фалокатлардан қутқаради, барча иллатларимизнинг давоси ҳам шу...

Ишқ солиқни фанога ва ундан кейин бақога олиб боради...

Боязид Бистомийнинг уқтиришича, ваҳдат ва фано шундай бир руҳий ҳолатда юз берадики, солик худди шароб ичган одамдай маст бўлиб ўзини унутади. Бу ҳолатни у “сукра” – “мастлик” (девоналик) деб атади. Унингча, маст бўлмаган одам ошиқ эмас, ошиқ илоҳий шароб – “шароби антахурдан” масту мустағриқ кишидир, у ўз вужуди – ўзини буткул унутади ва шунда аллақандай тушунтириб бўлмас бир қобилият пайдо бўлиб, солик Илоҳ маърифатини ҳис қила бошлайди...

Дарҳақиқат, маърифат ҳайратнинг натижасидир. Маърифат буюк Илоҳ оламлари бепоёнлиги, истиғноси – муҳтожлигини, Зоти жавҳарини қалб билан ҳис этиш ва кўнгил билан таниш демак. Шундай қилиб, маърифат – руҳ ҳодисасидир, фақру фано ҳам руҳнинг камолидан нишонадир”².

² Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996. -Б.28-44.

НАВОИЙ ВА НАҚШБАНДИЯ

Академик Азиз Қаюмов “Навоий ва Нақшбандия таълимоти” мақоласида ёзишича, Навоий яшаган замонда нақшбандия таълимоти кенг ёйилган эди. Бу таълимот расмий давлат мафкураси эди. Нақшбандия таълимотининг XV асрдаги энг кўзга кўринган муршидлари Абдурахмон Жомий ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор бўлганлар. Бу таълимотни кенг тарғиб этган ва унга амал қилганлар орасида ўша даврнинг кўзга кўринган арбоблари Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби зотлар бўлган.³ Алишер Навоий сўфийликнинг нақшбандия сулукига мансуб йирик шахс – мутасаввиф сифатида ҳам ахлоқшунослик назарияси ва амалиёти тараққиётига улкан ҳисса қўшга мутафаккирдир.⁴ Навоийшунос Султонмурод Олим ўзининг “Нақшбанд ва Навоий” рисоласида ёзишича, “Туркий дунё Алишер Навоийдек улуг даҳодан қанчалар миннатдор бўлса, Баҳоуддин Нақшбандсиз бу шоир ижодини мутлақо тасаввур қилиб бўлмаслигини ҳам унутмаслик керак. Шунини дадил айтиши лозимки, нақшбандия таълимоти Навоий ижодининг гоявий асосини – мафкурасини ташкил этади. Бошқача айтганда, шоир асарларида комил инсон бўлишининг айнан нақшбандиёна тарғиби, йўл-йўриқлари, шиору қоидалари инсоний тимсоллар, ҳаётини воқеалар асосида далилланади. Навоий ўз ижодида комил инсон бўлишининг нақшбандия йўлини тутган кишилар тимсолларини яратди”.⁵

Алишер Навоий “Қаноат нақшининг ифшосию нақшбандия тариқининг адоси” номли қитъасида нақшбандия тариқатининг тўрт қоидасини тушунтириб, шундай ёзган:

**Қаноат тариқига кир, эй кўнгул,
Ки хатм ўлгай ойини иззат санга.
Десанг шоҳ ўлай ер-у кўк басдурур,
Бу бир тахт-у ул чатри рифъат санга.
Фано шуъласида ёшур жисмни,
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.**

³ https://naqshband.uz/ruxiy-tarbiya/navoiy_va_naqshbandiya_talimoti

⁴ <https://xadicha.uz/uz/news/235>

⁵ Олим Султонмурод. Нақшбанд ва Навоий. Т.: Ўқитувчи, 1996.-Б.40.

*Этар лола буткан қоя қулласи,
Мурод ўлса гулгун ҳашмат санга.
Эрур бас ариг нуктаю қон ёшинг,
Дур-у лаълдин зеб-у зийнат санга.
Десанг хилватим анжуман бўлмасун,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлуб сойир ўл,
Сафардин агар бўлса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироқ солмагил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмагил ҳуснни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро,
Чалинмоқ не тонг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлгасен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат сенга.⁶*

Садриддин Салим Бухорий “Дилда ёр” китобида Навоий зикр этган хожагон-нақшбандия тариқати рашҳалари(қоидалари)га тўхталган: *Биринчиси, “Хуш дар дам” ҳисобланади. “Аҳли тариқатнинг ибодати чиққан ва кирган нафаслардан огоҳ бўлмоқликдир”, дейдилар Боязид Бастомий. Садриддин Кошғарий “Хуш дар дам”ни қуйидагича шарҳлаган: “Нафас олмоқ ва чиқармоқ гафлат билан эмас, балки ҳузур ва огоҳлик юзасидан бўлиб, ҳар бир нафас Аллоҳ таоло зикри билан ўтсин”.*

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор эса уқтирганларки, ҳар бир нафасни асраш гоят муҳим, агар нафас огоҳлик билан олинса, ҳузурбахш бўлур. Ўз нафасини асрай олмаган (Яъни, Аллоҳ зикридан бошқа ишларга нафасини сарфлаган) киши уни йўқотади. Нафасни беҳуда сарфлаган киши тариқатни қўлдан бой беради...

Иккинчи раиҳанинг номи: “Назар бар қадам” бўлиб, унинг мазмуни шуки, солиқ назари доимо оёғи учига қаратилган бўлсин... Назар нолойиқ жойларга тушмасин. Ундан мурод – нигоҳни жиловлаш. Чунки, назар то ношоиста нарсаларга тушмаса, фикр бузилмайди, кўнгилда шайтон васваси авж олмайди. Демак, назар жиловланса, кўп гуноҳлардан одам тийилади.

⁶ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Хазойин ул-маоний. ТАТ, Биринчи жилд. Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.708-709.

Учинчи раиҳа, **“Сафар дар ватан”**дир, яъни соликнинг ўз табиатига сафари ҳисобланади. Ёмонликни тарк айлаб, яхшиликка юз тутиш, аста – секинлик билан одамийликдан фаришта сифатига кўчиш бу раиҳадан кўзланган мақсад ҳисобланади. Зеро, Мавлоно Саъдуддин Кошғарий: “Иллатлардан қутулмаган одам қаерга борса ҳам ўзи билан ёмонлиги ҳамроҳдир” деганлар...

Тўртинчи раиҳа **“Хилват дар анжуман”**дир. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадиларки, сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур? Дедиларки, анжуманда хилват; зоҳир юзидан халқ била ва ботин тарафидин Ҳақ Субҳонаҳу ва Таоло била. Байт:

Аз дарун шав оинову ва-з берун бегонавиш,

Ин чунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

(Мазмуни: Юракдан Аллоҳ таоло билан ошно бўлу, ташқаридан эса (Яъни, ўзгалар назарида) гўё бегонадай ўзни тут. Бундай гўзал равиш дунёда жуда камдир.)...

Убайдуллоҳ Аҳрор фикрича, зикр машғулотиға қаттиқ берилиш билан беш-олти кун ичида шундай даражаға етиш мумкинки, одамларнинг ҳар қандай гаплари зокир қулоғига зикрдай туюлади ва ўзи ҳам неки деса, зикр каби бўлади. Бу даражаға етмоқ учун эса қаттиқ саъй – ҳаракат даркор.

“Хилват дар анжуман”дан олинган сабоқ шуки, солик дунёвий иш билан машғул бўлса-да, Аллоҳни унутмасин. Зеро, Ҳазрат Баҳоуддиннинг “Дил ба ёру, даст ба кор!” шиорларидан мақсад худди шудир. Кўнглинг Аллоҳ ёди билан, қўлинг меҳнат билан банд бўлсин. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, тариқат одамлардан четлашишни, кишилар суҳбатидан қочишни тарғиб қилмайди, балки зоҳир томонидан одамлар билан, ботин томондан Аллоҳ билан бўлиш лозимлигини уқтиради.

Бешинчи раиҳа **“Ёдкард”** саналади. Ёдкард иккига – тил ва дил зикрига бўлинади.

Мавлоно Саъдуддин Кошғарий айтадиларки, зикр таълими қуйидагича берилади: аввал шайх дили билан: “Ло илоҳа иллоллоҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ” дейди. Мурид эса бутун диққатини бир жойга жамлаб, юрагини шайх юраги рўпарасига тутиб, оғзини маҳкам юмиб, нафас олмай, ихлос ва ички қувват билан юқоридаги зикрни такрорлай бошлайди. Мурид бу зикрни тили билан эмас, балки кўнгил билан айтади. Бир нафасда уч мартабагача мазкур

калима такрорланади. Шундан кейин зикр ҳаловатини туйиши мумкин.

Демак, “Ҳуш дар дам”, “Назар бар қадам”, “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман” раиҳалари “Ёдкард” га ўтиши учун тайёргарлик босқичи ҳисобланади. “Ёдкард” Аллоҳ зикрини қалбда нақшлаида асосий омилдир.

Олтинча раиҳа **“Бозгаиш”** бўлиб, зокир тили “дили” билан калимайи тайиба (Ло илоҳа иллоллоҳ)ни айтгандан сўнг: “Илоҳи анта мақсуди ва ризока матлуби”, яъни: “Парвардигоро, сен менинг мақсадимсан ва сенинг ризонг менинг талабимдир”, дейди. Мана шу калима зокирни ҳар хил яхши ё ёмон фикрлардан сақлайди, яъни фикр бўлинмайди, Аллоҳ зикридан чалғимайди...

Еттинча раиҳа, **“Нигоҳдоиш”** деб номланган. Солик ўз хаёлини бошқа нарсалардан муҳофаза этиши керак. Калимаи тойиба бир нафасда неча марта такрорланса, шу вақт мобайнида хаёлни ўзга фикрлардан асраш зарур.

Мавлоно Саъдуддин Кошгарий деганларки, зикр пайти икки ё уч соатдан кўпроқ вақт киши ўз хаёлини муҳофаза этсин. Зикр тугагандан сўнг эса бошқа фикрлар билан банд бўлиши мумкин...

Бу босқичга сидқу эътиқод, қаттиқ меҳнат билан етишиши мумкин. Бу босқич зокирнинг камолот даражасини белгилайди.

Саккизинчи раиҳа – **“Ёддоиш”**. Юрак доимо Аллоҳ таолони завқ билан ёдда тутуши ва Ҳақ таолодан ҳамиша огоҳ бўлиши керак. Айрим машойихлар бу ҳолни “зойиб бўлмас ҳузур” деб атаганлар. Бутун кўнгилни Ҳақ таоло муҳаббати қамраб олиши даркор.

Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрор охирги тўрт раиҳани қуйидагича қисқа шарҳлаган: ёдкард – зикрда қаттиқ ҳаракат қилиш, бозгаиш – Ҳақ Субҳонаҳу ва таолога юзланиб, ҳар гал калимайи тойибани айтганда: “Худовандо, мақсудим сенсан!”, дейишдир, нигоҳдоиш – тил билан эмас, балки дил билан зикр этиш, ёддоиш - нигоҳдоишда мустаҳкам туришдир.⁷

Абдухолик Ғиждувонийнинг саккиз раиҳа – ахлоқий талабларига Баҳоуддин Нақшбанд учта қўшганлар: **1. Вуқуфи замоний**, яъни, солик доимо ўз вақтини сарҳисоб қилиб туриши

⁷ Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1993.-Б.64-70.

лозим. Умрининг қай қисми яхшиликка, қай қисми эса беҳудага сарфланяпти, шуларни билиши лозим. **2. Вуқуфи ададий**, яъни солиқ ҳамиша зикр пайти ададга риоя этиши даркор. Зокир зикр вақти ададга риоя этса, у ўз хаёлини бошқа нарсалардан сақлай олади. **3. Вуқуфи қалбий**, яъни солиқ доимо Аллоҳ таолони зикр этиб туриши даркор, зокир қалби ҳамиша Аллоҳдан огоҳ бўлиши керак.

Нақшбандия тариқати усул ва одоби уч қисмдан иборат: **“Робитаи мавт”** – ўлим билан боғланиш, **“Робитаи муриид”** – пир билан боғланиш, **“Зикр”** – зикр этиш машғулоти.

Биринчи қисмида киши ўз ўлими кўз олдига келтиради. Гўрдаги савол-жавоб тасаввур қилинади. Ҳар куни ўлимини, гўрдаги савол-жавобни эслайдиган одам “Зарра тош миқдоричалик яхшиликнинг мукофоти, заррача тош миқдоричалик ёмонликнинг жазоси бор” лиги ҳақидаги оятни унутармиди?...

“Робитаи муриид”да киши пирлар руҳи билан юзма-юз туради ва улар юрагидаги илоҳий файздан баҳраманд бўлади...

Машғулотнинг “Зикр” қисмида “Астағфуруллоҳ”, “Ло илоҳа иллоҳ”, “Аллоҳ”, “Салавоти шариф”, “Сураи Ихлос” юз мартадан зикр этилиши керак. Чунки “Кимки ўз Роббиси зикридан юз ўгирса, уни (Аллоҳ) қийин азобга солади” (“Жин” сураси, 17-оят. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таржимаси). Бундан ташқари ишироқ, Зуҳо, таҳажжуд ва бошқа нафл намозлари ўқилади, нафл рўзалари ҳам тутилади.⁸

Хулоса қилиб айтганда, Навоий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳузурида нақшбандия тариқатининг юқорида айтилган одоб, усул, тартиб-қоидаларини ўзлаштирган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, Султонмурод Олим “Навоий асарларида Хожа Баҳоуддин таърифи” мақоласида ёзишча, “Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) ҳаёти ва фаолияти, хожагон – нақшбандия таълимоти тарихи, гоилари тарғиби, бу тариқат вакиллари ҳаёти ва фаолияти бўйича туркий тилда улуг ўзбек шоири, мутафаккири Алишер Навоий асарларидан кўра бойроқ ва мукамалроқ бошқа манба йўқ...

⁸ Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр. Т.: Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1993.-Б.31-32.

Навоий асарларида Хожя Баҳоуддин Нақшбанд таърифи масаласини ёритиш учун, аввало, улуг мутафаккир меросида ана шу буюк авлиёга, умуман, нақшбандия тариқатига муносабат, шунингдек, шоир ижодида нақшбандия таълимоти зоялари тарғибининг кўринишлари ва йўналишларини аниқлаб олиш лозим. Масалага шу жиҳатдан ёндошсак қуйидаги манзара намоён бўлади:

1. Хожя Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва фаолиятини ёритиш (“Насойим ул муҳаббат мин шамойим ул-футувват”).
2. Хожягон – нақшбандия тариқати вакиллари ҳаёти ва фаолиятини ёритиш (“Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”, “Хамсат ул-мутахаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”, “Мажолис ун-нафоис”, “Сирож ул-муслимин”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Арбаъин”).
3. Нақшбанд ва нақшбандийлар бадий тимсолларини яратиш (“Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр”).
4. Бадий асарларда нақшбандия таълимоти зояларини тарғиб этиш (“Ҳазойин ул-маоний”, “Девони Фоний”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъайи сайёр”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Сирож ул-муслимин”).

Бу йўналишларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида тадқиқотга мавзу бўлгулик катта қамровга эга. Аммо илмимизда ҳали масала айнан шу тарзда қўйилиб, комплекс равишда изчил ўрганилгача йўқ. Бу йўналишлар юзасидан қарашларимиз ҳам мунтазам равишда ўзгариб, ривожланиб такомиллашиб борапти. Шунинг учун ҳам даврлар ўтгани сайин улуг авлиё Нақшбанд билан доҳий шоир Навоийни ўзаро боғлаб турган талай ришталарни изчил ва теран ўрганишга эҳтиёж кучайгандан-кучайиб бораверади. Чунки тасаввуф тарихида нақшбандия энг сўнги мукамал тариқат экани, Навоий мероси миллий маънавиятимизнинг юксак чўққиси ҳисобланиши, унинг асарларида бу тариқат муаллифнинг асл эътиқоди, мафкураси янглиг намоён бўлгани инобатга олинса, бу хусусда сўз юритишининг аҳамияти ўз-ўзидан аёнлашади”.⁹

⁹ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/sultonmurod-olim-navoiy-asarlarida-xoja-baxouddin-naqshband-tarifi/>

“МУШАРРАФ ҚИЛДИМ ЎЗНИ СУХБАТИГА”

Қутбул авлиё Хожа Аҳрор шоир Навоий шеърларининг мухлиси ҳам эди. У бу оташнок шеърларни мутолаа қилиб, шоир ижодига юксак баҳо берган. “Хамсат ул–мутаҳаййирин”да теурий шахзода Кичик Мирзо Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидасидан бир байтни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга юбориб, авлиёдан таҳсину олқиш олгани қайд этилади:

*Як назар фармо, ки мустасно шавам з-абнои жинс,
Саг чу шуд манзури Нажмиддин сагонро сарвар аст.*¹⁰

(Мазмуни: Бир назар қил, токи ўз тенгдошларим аро мумтоз бўлайин, ахир ит Нажмиддин назарига мушарраф бўлганда, итларга сарвар бўлди).

Самарқанд шахридан Ҳиротга келган мартабали бир зот (авлиёнинг халифаларидан бири) Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор билан мулоқот пайтида Навоий ҳақида гап кетганда, авлиёлар пешвоси “Диний мавзуда ҳам асар ёзса яхши бўларди”, деганини мутафаккир билан учрашувда сўзлаб беради, *“Кўнгил майл айлаб онинг хизматиға, Мушарраф қилдим ўзни суҳбатиға”*, - дейди мазкур дийдорлашувдан сўнг Хожа Аҳрорнинг мухлиси Навоий.

*Ким, ул кўп назм дерга бўлди розиб,
Бу янглиз назм ҳам эрди муносиб.
Чу қилди Хожанинг амрига тақрир,
Ул эрдиким, бурунроқ бўлди таҳрир.
Ки, мен дер эрдим айтай мунча мақдур,
Вале монеъдин эрдим анда маъзур.
Чу сўрди Исоанфосе бу дамни,
Ҳамул дам азмиға йўндим қаламни.*

Аниқроқ қилиб айтганда, “Сирож ул-муслимин”нинг муқаддимасида шоир Хожа Аҳрор Валий яъни авлиёлар йўлбошчиси – эшонлар хожасининг таклифи ва фикри ушбу диний асарнинг ёзилишига сабаб бўлганини айтади. Хўш бундай таклифни ким бериши мумкин? Албатта Навоий ижодини синчиклаб кузатиб борган ва шеърни тушунадиган ўқувчи-да!

¹⁰ Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. ТАТ. Ўн жилдлик. Бешинчи жилд. Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 1012.-Б.760.

Албатта юқоридаги мисралар ҳам Хожа Аҳрор шоир асарларини яқиндан билганини тасдиқлайди.

“САРОЙ ХИЗМАТИДАН КЕТМАНГ...”

Навоий авлиёлар кутби билан мунтазам мактублар ёзишиб турган. *“Хожа Убайдуллоҳ (қ.с)... бу ҳақир (Навоий) била илтифотлари кўп бор (бўлгани) учун ваҳйи осор руқъалари (хатлари) била мушарраф қилиб, ишларга маъмур қилурлар эрди. Ул руқъаларни мураққа ясаб (альбом, Навоий альбоми номи билан машхур), мужаллад қилиб, жадвал ва такаллуфот била табаррук ёъсуни била асрабмен”* (Маъноси: Менга илтифотлари кўплигидан (баъзи) ишларга буюрувчи мактублар йўллаш билан (мени) шарафлантирардилар. Ўша мактублардан тўплам ясаб, уни жадвал ва (нақшлар билан) безаган ҳолда табаррук (мулк) сифатида асрамоқдаман), - деб ёзади Навоий. Мутафаккир тилга олган ушбу мураққа Абу Райҳон Беруний номидаги кўлёзмалар институтининг фондида “Мажмуъаи мурасалот” ёки “Навоий альбоми” номи билан 2178-тартиб рақами остида сақланади. Мураққада 600 га яқин форсий мактублар бўлиб, 300 тадан ошиғи Жомий ва 128 таси Хожа Аҳрор қаламига мансубдир. Хожа Аҳрор мазкур хатларда ўзаро низоларнинг олдини олиш, мамлакатда адолат ўрнатиш, аҳолини жабр-зулмдан ҳимоя қилиш, адолатталаб кишилар ҳуқуқини муҳофаза этишни Алишер Навоийдан сўраган. Ҳатто, мазлумлар ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси Навоий амалдорликдан юз ўгирмоқчи бўлганида, Хожа Убайдуллоҳ унга бундай қилмасликни айтиб мактуб йўллаган. *“...Эшитишимча, онҳазрат, яъни султонга мулозамат қилишдан гоҳо малолат чекар экансиз. Илтимос шуки, мусулмонларга мадад етказмоқ ва бирор фақирнинг дили мушкулликдан халос топиб, шод бўлмоғи учун хотири шарифингизни сарой хизматидан узманг... Бирор киши ҳам мусулмонлар гамини ейишни ўйламай қўйган бу вақтда уларга гамхўрлик қилиш энг хайрли ишдир!..”* Албатта, ушбу ёзишмаларни ўрганиш Навоий ва Хожа Аҳрор ўртасида пиру-муридлик ва устоз-шогирдлик, дўстлик-биродарлик муносабатларини чуқур тадқиқ этиш имконини беради. Ҳойнаҳой, юқорида айтганимиздек, **“Фақир (Навоий) таҳсил учун Самарқандга боргонда”**, вақтдан

унумли фойдаланиб, нақшбандийлик сулукининг султони Хожа Ахрорга шогирд тушиб, тасаввуф сир-асрорларини ўрганган. Навоий қаерга бормасин, ўша худуднинг улуғлари суҳбатига мушарраф бўлган. Алишер Навоийнинг ўзи Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган маснавий-мактубида Амир Темур пойтахти - Самарқандга келишининг бир неча сабабларини кўрсатган. Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, шулардан бири ирфондан баҳраманд бўлиш, тариқат йўлини танлаш. Чунки, Навоий эътиқодига кўра, инсон бўлиб яшамоқдан мақсад Аллоҳни ва ўз-ўзини танишидир. Бунинг эса иккита йўли бор. Бири – Ҳақдан жазба етиб, “яқинлик жомидан маст бўлиш”, яъни Худо ёдида ўзидан ва ўзлигидан беҳабар бўлиб юриш, дунёнинг барча шугли(машгулотлари)дан юз ўгириш, охир-оқибатда жисм – вужуддан қутилиб, Аллоҳ вужудига қўшилиш.

Иккинчиси – тирга қўл бериб, унинг иродаси, амри билан “фано даштини кезиб”, риёзат оқибатида жазба топиш:

Яна бир будурким, гадо гар мулук,

Талаб йўлида қилгай онча сулук.

Бурун муришиди комил истай юруб,

Ани топқач ўзин анга топшуруб.

Биринчи йўлни Навоий “мажзуби солик” йўли деб атайди, яъни аввал илоҳий жазба (тортилиш) етиб, кейин тариқатни қабул қилиш. Иккинчи йўлни у “солики мажзуб” дейди, яъни аввал тариқатни қабул қилиб, тавба, вараъ, сабр ва ҳоказо мақомларни босиб ўтгандан кейин ҳол мақомига мушарраф бўлиш.

Йигирма етти яшар Алишер Навоий устози ва сирдоши Саййид Ҳасанга кўнглидаги ниятини бундай баён этади:

Чу аввалги иш бўлмади дастгир,

Иккинчисидин хуб эмасдур гузир.

Маълум бўладики, Навоий тасаввуфга, фақр аҳли сулукига ёшлигидан кучли эътиқод қўйган. Мажнундай ошиғи сармаст бўлиш, девона қаландардай сарсари кезишни орзу этган. Аммо бу муяссар бўлмагач, муносиб раҳбар - пирни топиб, унинг иршодида фақру фано неъматидан баҳраманд бўлишга қарор этган.” Демак, бундан чикди, Навоий Самарқандга Устоз излаб келган. Дарҳақиқат, “пирсиз солик манзилга етолмайди. Чунки одам ўзини ўзи назорат қилиши қийин, токи биров раҳнамолик қилиб йўл

кўрсатмаса, мушкул осон бўлмайди. (Буни Алишер Навоий “Лисонут тайр” достонида ҳудҳуд ва талабгор қушлар мисолида яхши кўрсатиб берган). Ҳатто яхши ниятлар ҳам раҳнамо бўлмаса, самара бермай, қалбдаги завқу шавқ нотўғри йўлда сарф бўлиши, муҳаббат исёнга айланиши ҳеч гап эмас.

Йўлни топгайму киши то раҳнамо кўрсатмагай.

(Бобур)

Шуни эътиборга олиб тажрибада пирга қўл бериб, ирода-ихтиёрни унга топширганлар. Шу маънода тариқатни иродат ҳам дейдилар. Яъни иродани шайх иродасига мувофиқлаштириши, шайх иродасини ўз иродаси деб билиши”.¹¹ Бинобарин Навоий шайхул машойих Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор сиймосида ўз пиру-муршидини топган кўринади.

Салимий “Муршиди офоқ” рисоласида шоирнинг Абусаид Мирзо томонидан Самарқандга юборилишидан мақсад Бобур Мирзо айтганидек, сургун (ихрож) эмас, балки Хожа Аҳрор Валий суҳбатидан баҳраманд қилишдан иборат бўлган, деган тахминни илгари сурган. Аммо бир томондан Хожа Аҳрор Валийнинг ўзи ҳам шуҳрати оламни тутган ёш Алишерни Самарқандга унинг ҳузурига юборишни подшоҳдан сўраган бўлиши ҳам мумкин. Аммо бу ҳақда тарихий маълумотлар мавжуд эмас.

ШАЙХОНТОҲУР НАБИРАСИ

Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Маҳмуд ибн Хожа Шаҳобиддин Шоший 1404 йилда Хожа Маҳмуд хонадонига дунёга келган. Отаси тижорат ва зироат билан шуғулланган. Она томондан бобоси Шайх Ҳованди Тоҳурдир. Абу Тоҳирхўжа Хожа Убайдулло Аҳрорнинг лақаби “Носириддин” бўлиб, насаби Умар Ибн Хаттобга уланишига урғу берган. Хожа Аҳрор болаликдан тасаввуф руҳида тарбия топади.

Ки, бир кун Хожайиким чархи олий,

Ҳилолин истар онинг оти наъли.

Рашида Шиблюю Зунунга фойиқ,

Убайдуллоҳ деб отин халойиқ.

¹¹ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996. -Б.22.

*Ким, улдур пешвою аҳли иршод,
Бу иршод этти сандин айлабон ёд.*

Навоийнинг нақшбандийлик тариқати пешволаридан Хожа Убайдуллоҳ Валийга ихлоси ва иродати шу даражада баланд эдики, ўзи яқиндан таниш бўлган бу авлиёлар қутби ҳақида “Насойим ул-муҳаббат”да шундай ёзган: “...Аларнинг (Хожа Убайдуллоҳ) баъзи ҳолатики, бу ҳақирга (Навоий) мавҳум ва яқин эрди анга шуруу қилди. Аларнинг мавлиди Тошканддур ва оталари дарвеш киши эрмиш ва она тарафидин ҳамоноки, Шайхи Тоҳурки, ул вилоятда мутаййин шайх эрмиш, анга етарлар ва ўзларида бу иш чошниси туфулият (болалик) айёмидан бор эмиш. Йигит бўлгондин сўнграким, саёҳатга қадам қўйибдурлар, Хуросон машойихидин Ҳазрат Мирсайид Қосим Анвор (қ.с.) хизматлариға етубдурлар ва шайх Баҳоуддин Умар (р.т.) мулозаматиға мушарраф бўлибдурлар ва Шайх Зайнуддин Хавофий суҳбатиға етубдурлар ва Мавлоно Муҳаммад Асад ва Мавлоно Саъдуддин Қошгарий суҳбатиға етубдурлар ва Мовароуннаҳр машойихидин Хожа Муҳаммад Порсо мулозаматиға етубдурлар ва Хожа Абу Наср суҳбатиға етибдурлар ва Мавлоно Муҳаммад Хомуш била суҳбат тутубдурлар. Мавлоно Яқуб Чархийдин иршодлар ва тарбиятлар топубдурлар”.

Ўрта асрларда тасаввуф намояндалари ҳузурида бардавом мажлислар, суҳбатлар ташкил этилиб, тариқат пешволари йиғин қатнашчилари, яъни илм аҳли ва шогирдларга ислом дини ва тасаввуф ғояларидан ўқув машғулотлар олиб боришган. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ўзи ҳам ўз даврининг машҳур тасаввуф намояндалари суҳбатларида таълим олган. Фахриддин Али Сафийнинг ёзишича, “Ҳазрати Эшон мабодийи ҳолда неча вақтлардан сўнгким, Самарқандда бўлдилар, ул ердин Бухорога майл этдилар. Йўлда Сирожуддин Пирмастийнинг деҳасиға келиб, бир ҳафта ул ерда Шайх била суҳбат тутдилар. Ул жойдин Бухорога бориб, Мавлоно Ҳисомуддин ибн Мавлоно Ҳамидуддин Шошийни кўрдилар. Хожа Алоуддин Ғиждувоний била суҳбатлар тутдилар. Ондин сўнг Хуросонға азимат этдилар. Ва ул муддатларда ҳазрати Саййид Қосим Табризий ва Шайх Баҳоуддин Умар қуддиса сирруҳумонинг суҳбатлариға кўп борур эрдилар. Ва ҳазрати Шайх Зайнуддин қуддиса сирруҳунинг суҳбатлариға

аҳёнан борур эрдилар. Ва тўрт йилдан сўнг Ҳиротдин ҳазрати Мавлоно Яъқуби Чархий қуддиса сирруҳу била суҳбат этмакни нийят этиб, Балх ва Шибиргон йўлидан Ҳисор вилоятига мутаважжих бўлдилар. Ва Балхда Мавлоно Ҳисомуддин Порсонинг суҳбатлариға етушдилар. Ва ондин сўнг Ҳолғутуга келдилар ва ҳазрати Мавлоно Яъқуб қуддиса сирруҳуни ул ерда топдилар. Ва оларға байъат қўлини бериб, олардин тариқайи таълим олдилар...

Ва Тошкандға келганларида ҳазрати Мавлоно Низомуддин (Хомуш) алайҳир раҳма ул ерда эрканлар, яна олар била суҳбат тутдилар.”

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирди Яъқуб Чархийдан тариқат асосларини ўрганадилар ва у зотдан иршод олиб муршиди комиллик мақомига етгач, Тошкент ва Туркистон атрофларида Нақшбандия таълимоти давомчиси, авлиё сифатида машҳур бўлдилар. Такволарининг зўрлигидан “Аҳрор”, яъни “ҳур, озод” номига эга бўлдилар. Бу ном уч хил асирликдан халос бўлган зотларгагина берилган: Ҳайвоний ҳис-туйғуларни енгиб олган, ўзининг барча хоҳиш – иродасидан воз кечиб, фақат Аллоҳу таолонинг иродасигагина бўйсунган, турмуш кечиришнинг барча расм-русумларидан воз кечиб, илоҳий нурга чўлғанган зотларга бу унвон қўлланилган.

Мусулмон оламида 356 авлиё ўтган деб ҳисобланади. Шулардан фақат учтасигагина “Қутб ул ақтоб” унвони берилиб, “Улуғ даражага етган авлиё” деб ҳисобланган. Хожа Аҳрор Вали ҳазрат ана шу уч “Қутб ул ақтоб”дан биридир”.¹²

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор 1490 йилда Самарқанднинг Ургутида вафот этади: “Аларнинг ёши тўқсондин олти ой ўксик эрди. Секкиз юз тўқсон тўртда дунёдин ўттилар”.

АВЛИЁНИНГ УСТОЗЛАРИДАН БИРИ

Авлиё шоир Саййид Қосим Анвор (1355-1433)нинг шеърлари ва адабий мажлислари ўз даврида темурийлар давлати(1370-1506)да машҳур бўлган. Шоҳрух Мирзо ҳукмронлик қилган салтанатда барча унинг шеърларини ўқишга ва ёзиб олишга

¹² <https://karachik.com/article/1360>

иштиёқманд бўлган.¹³ Навоий “Мажолисун-нафоис”да авлиёнинг шоирлик қилишидан мақсад тасаввуф таълимотини ташвиқ этиш бўлганлигини айтган: “Ул жумладан, солики атвор ва қошифи асрор, яъни: Ҳазрати Амир Қосим Анвор (қуддиса сирруҳу)дур. Ҳар неча аларнинг рутбаси шоирлиқ поясидин юқорироқдур ва валоят (валийлик) аҳли зумрасида васфдин тошқарироқ, аммо чун ҳақойиқ ва маориф адосида назм либоси дилпазирроқ учун илтифот қилур экандурлар”.¹⁴

Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўтказилган каттаю кичик шеърият кечаларида ҳам валий шоир ижодидан намуналари ўқилган. Алишер Навоийнинг ёзишича, у уч ёки тўрт ёшларида азиз кишилар йиғилишида Қосим Анворнинг ушбу матлаъ билан бошланувчи шеърини ўқиб, мажлис аҳлининг ҳайратга солган:

*Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,
Бо давлати гами ту зи фикри жаҳон чи бок.*¹⁵

(Мазмуни: Риндлармиз, ошиқлармиз, жаҳонни куйдирувчи ва ёқа вайронлармиз, Сенинг гаминг давлати билан эканмиз, жаҳон фикрининг нима ҳожати бор?)

Айтиш лозимки, нафақат шоирлар султони авлиёнинг шеърларини ёд олди, балки бир умр унинг ижодига ихлос қўйди, “Девон”и ва асарларини ўқиб, ўрганди. ““Мажолис ун-нафоис”нинг кекса Навоий томонидан ёзилиб, яна Қосим Анворнинг номи ва шеъри билан бошланиб, шарафланганини эътиборга олсак, Навоийнинг ёшликда олган бу таассуротлари то умрининг охиригача сақланиб, унинг ҳаёти ва ижодида катта роль ўйнагани аён бўлади”.¹⁶ Навоий унинг ғазалларидан икки матлаъни “Мажолис ун-нафоис”да “табаррук бўлгани учун”¹⁷ келтиргани айтган.

Қосим Анворнинг шеърлари шеърият кечаларидан ташқари, хонақоҳ ва масжидлардаги ваъз йиғинларида ҳам воизлар томонидан ўқилган. “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” китобида ёзилишича, “Дарвиш Аҳмад (Самарқандий) минбарнинг устида Ҳазрати Саййид Қосим (қуддиса сирруҳу)нинг абётларидин кўб ўқур

¹³ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Т. Ғ. Фулом номидаги БАН, 1969.-Б.57.

¹⁴ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ. Фулом номидаги БАН, 1966.-Б.8-9.

¹⁵ Кўрсатилган асар.-Б.8-9.

¹⁶ Кўрсатилган асар.-Б.58.

¹⁷ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ. Фулом номидаги БАН, 1966.-Б.8-9.

эрдилар. Ва охир мажлисда ҳам буюрур эрдилар, то ўқуғучилар ҳазрати Саййиднинг ашъорларини ўқур эрдилар. Ва хизмати Шайх (Зайнуддин Хавофий) они ҳар неча ондин манъ эттилар, мутақоид бўлмади.”¹⁸

Ўз даврида Шайх Садруддин Ардабилий ва Шайх Садруддин Али Яманий каби улуғ авлиёларга шогирд тушиб, улар билан суҳбат қурган Амир Муиниддин Али Саид Қосими Анвор - Қосим Анворнинг араб ва форс тилларидан ташқари, юнон ва туркий тилни ҳам билганлиги ва уларда шеърлар ёзганлиги нақл қилинади. Қосим Анвор асли Табризлик бўлиб, Рум, Балх, Самарқандни кезган бўлса ҳам бутун умрини Ҳиротда ўтказиб, Хожа Аҳрордек авлиёларнинг камолотига таъсир этган.¹⁹ Озарбайжонлик бўлган бу тасаввуф пешвоси устози Ардабилий даъвати билан сўфийлик ғояларини тарғиб қилиш мақсадида Хуросонга келади.²⁰ Ваҳоланки, Ҳиротда унинг шеърларидан ташқари, ваъзлари ҳам машҳур бўлган. Алишер Навоийнинг ёзишича, *“Мир (Қосим Анвор) йигитликларида шайх Садриддин Ардабалий (қуддуса сирруҳу)га мурид бўлдилар ва сўфия одоб ва тарийқин андин такмил қилиб шайх ишорати била Хуросонга келдилар ва оз вақтда халойиқ Мир хизматиға фирифта бўлиб гавго қила бошладилар. Подшоҳи замон (Шоҳрух Мирзо) Мирга ихрож ҳукми қилди. Балх ва Самарқанд сари бориб, муддате бўлиб, яна дорус-салтанат азимати қилдилар, яна Чигатой мирзодалари, балки улус озодалари мурид бўлиб, ҳужум қила бошладилар. Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок. Эл бағоят алар назмларига мойил ва шеърларин ўқумоқ ва битимакка роғиб бўлдилар. Ҳар ойинаким, девон жамъ қилурга бу амр боис бўлди ва “Анисул-ошиқин” отлиқ мухтасарроқ маснавий ҳам назм қилдилар*”.²¹ Навоийнинг мазкур сатрларидан маълум бўладики, пирининг кўрсатмаси билан Хуросонга келган Қосим Анвор қаерга бормасин, унинг кундан кунга шуҳрати ортиб борган ва адабий мажлисларига чигатой улуси мирзодаларию озодалари, яъни теурийлар хонадони вакиллари, сўфийлар, зиёлилар талпинган: *“Алар(Қосим Анвор) шаҳр(Ҳирот)дин узр қўлдилар. Ва алар Балхқа бордилар ва халойиқ гавгоси ҳам алар*

¹⁸ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-хаёт. Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.139.

¹⁹ Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Т: “Шарқ” НМАК БТ, 2009.-Б.99-100.

²⁰ Донишмандлар тухфаси. Рубоийлар. Т.: Ўзбекистон, 2009.-Б.318.

²¹ Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т.Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.8.

хизматиға бор эрди. Аларнинг ҳақойиқ ва маорифидин ҳоло эл орасида девонлари бор”.²² Шайх Самарқандда Мирзо Улуғбек билан учрашади: “Ҳазрат Амир Қосим Самарқанд шаҳрига киргач, тасадифан йўли Арк эшиги олдига тушиб қолиб, Мирзо Улуғбекнинг шу Арк саройида эканини ангадилар ва ҳеч бир такаллуфсиз юқори қалъага кўтарилиб, ул жаноб билан учрашдилар. Мирзо Улуғбек ул кишилар яхшиси (С.А.В.) авлоди паноҳгоҳининг барокатли нурини кўрмоқ шарафига эришиб, шайхнинг гавҳар сочувчи тилидан дарवेशона сўзлар ва сўфиёна гаплар эшитиб, ўша мажлисдаёқ эътиқод исирғасини қулогига осиб олди ва яхши эътиқод занжирини елкасига ташлади. Натижада бир неча йил давомида Амир Қосим Анвор катта мартаба ва шавкат билан ул диёрда яшаб, умри айёмининг охирларида яна бир бор Хуросон диёрини ҳузури нури билан мунаввар айлади”.²³

Қосим Анворнинг Эронда Саид Нафисий томонидан чоп этилган куллиёти шайх-шоирнинг ғазал, таржеъбанд, марсия, қитъа, рубоий, маснавий жанрларидаги шеърлари, “Амир Темурни кўриш воқеаси баёни” манзумаси, “Сад мақом дар истилоҳоти сўфия” (“Тасаввуф истилоҳларидаги юз мақом”), “Анис ул-орифин” (“Орифлар дўсти”) маснавийлари, “Рисолаи саволу жавоб” (“Савол ва жавоб рисоласи”), “Рисолаи дар баёни илм” (“Илм баёни ҳақида рисола”) рисолалари ва туркий муаммоларини ўз ичига олган.²⁴

Уч яшарлигиданок илоҳиёт илмига ошно бўлган Саййид Қосим Анворни ўз замонида “Шоҳ Қосим Анвор” деб аташган: “Қутбул-аброр, гавсул-ахёр ҳазрати Шоҳ Қосим Анвор, онҳазратнинг асл номи Муъинуддин Али бўлган. Илоҳий шаробнинг ул сармасти Табризнинг Сароб қарясидандир. Уч яшарлик чоғларида, ки гўдаклик олами фасли баҳорининг аввалидир, дил гунчалари илоҳий бегойиб инояти кўрқинчидан гул очиб, жаннат богининг ниҳоли гулбунини камолот даражасига етказдилар. Риёзат мартабаси шундай даражада эдики, гўдаклик айёми

²² Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. ТАТ. Ўнинчи жилд. Т. Ғ.Фуллом номидаги НМИУ, 2012.-Б.464-465.

²³ Гиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар. Т. Ўзбекистон, 2013.-Б.475.

²⁴ Қаранг: Куллиёти Қосим Анвор. Бо тасҳеҳу муқобилаву муқаддимаи Саид Нафиси.-Техрон, 1959.

оламида илми ладуний ҳосил бўлди. Чунончи, ўзлари бу ҳақда қуйидаги икки байтда ишорат қилганлар. Байт:

*Маро илми азал дар сийна доданд,
Ажаб илме, вале дарсе надоданд,
Маро сесола ҳоле гаит маълум,
Ки шайх чилларо дилраси надоданд.*

(Мазмуни: Менга, илми азални сийнамга солганлар, Ажаб, илми дарсийни бермаганлар. Уч яшарлигимда шундай бир ҳол маълум бўлди, Ки шайх чиллари дилимга яқинлаштирмаган.)²⁵

Энг қизиғи, уч яшарлигида аелиёликни “юқтирган” Қосим Анворнинг шеърларини шоирлар султони уч-тўрт ёш орасида ёдлаган. Иззат Султон эса бу ғазал Навоий ёдлаган биринчи шеър деган, тахминни илгари сурган. Демак, Навоий дабистон – бошланғич мактабга бормасдан туриб, Қосим Анвор ғазалларига меҳр қўйган.

Абдурахмон Жомийнинг эътирофига кўра, Қосим Анвор тўғри йўлдаги шайх бўлган, лекин унинг номи билан алоқадор тариқат аҳли залолат ва бузғунчилик билан шуғулланган.²⁶ Навоий ва Хожа Аҳрор Валийнинг маълумотларига асослансак, шайх Саййид Қосим ўзини хожагон-нақшбандия тариқати мансуб кишидек тутган. “Ойтур эрдиларким: “Саййид Қосим мабодойи ҳолда Бовард ҳаволисида ҳазрати Хожа Баҳоуддин қуддиса сирруга мулоқот этиб эрдилар ва олар билан суҳбат тутиб ва ондин сўнг ўзларини Хожа Бузругнинг тариқалари ва нисбатларида тутар эрдилар. Баъзи вақтлар суҳбат ўлтургонларида мажлисларида шундоқ маълум бўлур эрдиким, ҳазрати Саййид Қосим ўзларини хожагон қаддасаллоҳу таъоло сирраҳу тариқаларида тутар эрдилар”²⁷

Саййид Қосим мажлисларида тариқат ғояларини шеърга солиб, йиғилганлар қаршисида ваъз айтган, тасаввуф таълимотини суҳбатлар орқали тарғибу ташвиқ этган: “Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор) ойтур эрдиларким: “Ҳазрати Саййид Қосимнинг суҳбатларида ҳеч ноҳушлиқ йўқ эрди, магар бир неча мурид ва улчаким одамларга нисбат сўз ойтур эрдилар, икки нимарсадин бири турур: аввал улким, қазо ва қадарга мутталиъ бўлуб билиб эрдиларким, шул тариқа била турурларким, мундоқ

²⁵ Шарофуддин Роқимий. Тарихи томм. Т. Маънавият, 1998.-Б.30-31.

²⁶ Алишер Навоий: Қомусий луғат. Иккинчи жилд. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.201.

²⁷ Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т.Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.306-311.

нохушлар оларнинг атрофларида бўлурлар ва ул одамларни сақламоқдин чоралари йўқ эрди. Ё ул турурким, ондогким, мевадор боғларнинг атрофига жангалзор тутарлар, то ўғри ва ҳайвонотлар кирмакдин монё бўлур. Олор ҳам бу жсамоатга атрофларида йўл бердилар сатри ҳол этмак учун ва ўзларининг ҳақиқатини гайрдин сиёнат этмак учун”.²⁸ “Насойим ул-муҳаббат”да ёзилишича, “...Азизлардин баъзи дер эрдиларки, алар Самарқандда эрканда алар била мулоқот қилдуқ. Маориф асносида, дер эрдиларки, Сиддиқ Акбардин кўп сўз ривоят қилиб, риққат қилурлар эрди ва кўзларидин улуг оқ қатарот тушар эрди ва муридлари дер эрдиларки, алар ҳоло Абобакрий мақомидадирлар”.²⁹

Хожа Аҳроп Валий Саййид Қосим Анвор билан Самарқанд ва Ҳиротда бир неча бор суҳбат курган: “(Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп) ойтур эрдиларким: “Ман ҳама умримда ҳазрати Саййид Қосимдин улуг кишини кўрмадим. Машойихи замондин ҳар кишининг суҳбатига бордим, нисбати зоҳир бўлуб, кайфияти ҳосил бўлур эрдиким, охируламр они маҳкам тутмоқ керак бўлур эрди”.

Ойтур эрдиларким: “Ҳар қачон Саййид Қосим ёнларига борсам, шундог мушоҳада этилур эрдиким, жумлаи коинот оларнинг атрофида ойлануб ва оларда маҳв бўлур эрди”.³⁰ Юқорида таъкидлаганимиздек, Хожа Аҳроп Валий иштирок этган Саййид Қосим Анвор мажлисларида тасаввуфга доир масалалар бўйича қизгин суҳбатлар олиб борилган. Фаҳруддин Али Сафий “Рашаҳоту айнил-ҳаёт” китобида ёзишича, “Мавлоно Фатҳуллоҳ Табризий раҳматуллоҳдин манқул турурким, ойтуб турурлар: “Ман ҳазрати Саййид Қосим қуддиса сирруҳунинг хизматларида кўб бўлдум ва тасаввуфнинг масалаларига майлим ва машғуфлигим бор эрди, то гоятгаким, кўб кечаларни бу тойифанинг дақойиқларидин бир масаланинг тааллуқида кундузга келтурур эрдиким, уйқу келмас эрди. Бир мартаба ҳазрати Саййиднинг суҳбатларида ўлтуруб эрдим. Ҳазрати Эшон (Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп) келдилар. Саййид Қосим талаққий этдилар ва иқбол кўргуздилар. Маъорифи гариба ва дақойиқи ажибани ойдилар. Ҳар мартабаким, Ҳазрати Эшон ҳазрати Саййиднинг ёнларига келур

²⁸ Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.308.

²⁹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Ўнинчи жилд. ТАТ.Т.Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.464-465.

³⁰ Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Т. Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.306-311.

эрдилар, Саййид беихтиёр ҳикоят ва асрори гомизани оғоз этуб, ҳақойиқ ва латойифи гариб ва олардин ондоғ жўш урур эрдиким, бошқа вақтларда онинг мисли иттифоқ тушмас эрди”.³¹

Адабий мажлисларда Саййид Қосим Анвор ўз бошидан ўтган воқеаларни ҳам сўзлаб берган: “(Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор) Ойтур эрдиларким: “Ҳазрати Саййид Қосим ойдилар: “Маволи жинсидан икки киши кўрдумким, оларга мазоқи сўфия (сўфийлик завқи) бор эрди. Бири Мавлоно Жонийи Румий ва яна бири Мавлоно Носири Бухорий”.

Ҳазрати Саййид Қосим қуддуса сирруҳу мабодийи ҳолда мужозиб ва мажонинларининг атрофларида кўб бўлуб эрдилар. Ойдиларким: “Румда бўлдум, одамлардин мажзублари(жазбали)нинг ҳолин сўрдим. Ойдилар: “Фалон мавзеда бир қавий ҳолли мажзуб бор турур”. Ул ерга бордим ва они кўрдум. Танидим, Мавлоно Жоний эрдиким, Табризда ҳамроҳи таҳсил этуб эрдик. Туркий лафзи била онга ойдимким: “Эй Мавлоно Жоний, мани донирсан?” Ойди: “Доний турурман, Мавлоно Саййидсан”. Ойдим: “Санга не ҳол бўлди?” Ойди: “Ман санингдек саргашта эрдим, ҳамиша ҳар нимарса мани ҳар тарафга тортар эрди, ногоҳ бир нимарса кўрунди ва мани ҳамма нарсадин мужаррад этди”. Бас, Рум туркийсининг тилинда деди: “Тингландум, динландум, фароғат(ли) бўлдум”.

Ҳазрати Эшон (Ҳожа Аҳрор Валий) айтур эрдиларким: “Ҳар мартаба ҳазрати Саййид бу ҳикоятни нақл этсалар, кўзларидин ёш тўкулур эрди. Мундин маълум бўлурким, ул мажзубнинг сўзи оларнинг ботинларида таъсири азим этуб турур”.³²

Мухтасар айтганда, тариқат – инсонларни махсус таълим-тарбия билан гўзал ахлоқ, покиза қалб ва латиф руҳ соҳиби этиб, Аллоҳга яқинлаштирадиган таълимот эканлигидан келиб чиқсак, Қосим Анвор адабий мажлисларида унинг эзгу ғояларини тарғиб қилиб, муридлар, йиғин аҳлини комил инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қилган, дейиш мумкин.

³¹ Кўрсатилган асар. –Б.306-311.

³² Кўрсатилган асар.-Б.306-311.

ТУРКИСТОННИНГ ТАБАРРУК АВЛИЁСИ СУҲБАТЛАРИ

Темурийлар даври тарихига назар солар эканмиз, тасаввуф пирлари мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутганига амин бўламиз. Ана шундай юксак мавқега эга бўлган нақшбандия имомларидан бири, улуғ аждодимиз, авлиёлар султони Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордир. Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) XV асрнинг 30-йилларида Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг муносиб давомчиси сифатида танилди. Ботурхон Валихўжаев таъбири билан айтганда, *“Хожа Убайдуллоҳ – Хожа Аҳрор Вали XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда нақшбандия тариқатининг муришиди сифатида танилиб, шуҳрат қозониб, ўзининг ранг-баранг фаолияти билан даврнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий ҳаётида катта из қолдириб, XV асрдан кейинги даврда ҳам кўркамли сиймо сифатида мухлислари қалби тўридан ўрин олди. Чех олими Фелекс Тауэр ибораси билан айтганда, “Туркистоннинг табаррук авлиёси” ўзининг фуқаропарварлик гоялари нурлари билан ҳамон порлаб турмоқда”*.

Авлиёлар султони Хожа Аҳрор Валининг ўзи ҳам илмий мажлислар ташкил этган. Хожа Аҳрорнинг Самарқанддаги мажлислари етти иқлимга донг таратган йиғинлардан бўлган. Бундай мажлису суҳбатларга қатнашиш учун турли мамлакатлардан олиму уламолар, шоиру шуаролар, фозилу фузалолар оқиб келган. Жомий ҳам Хожа Аҳрор мажлисига мушарраф бўлиш учун Самарқандга Ҳиротдан келиб кетгани тарихдан маълум. Абу Тоҳирхожа ҳам “Самария”да *“Хожа Аҳрор билим эгаларини севар, мажлиси ҳамиша олим кишилар билан тўла эди”*, деб таъкидлаган. Хожа Аҳрор мажлислари ва суҳбатлари ҳақида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари шундай зикр этган: *“У кишининг суҳбатига тўйилмасди. Шогирдлари дарсларини бахт ва саодатга гарқ бўлган ҳолда ўтказар эдилар. У киши зоҳир ва ботин илмларни пухта эгаллаган эдилар.*

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор раҳматуллоҳи алайҳининг нурли юзларини кўрган кишилар у кишининг ҳақларига дуо қилар ва мақтовлар айтар эдилар. У кишининг сўзлари ва шеърлари

тариқатга ҳужжат эди". Хожа Аҳрор Валийнинг суҳбат мажлисларида ўз даврининг уламолари, дин ва тариқат арбоблари шаклланган.

Хўш, биз Хожа Аҳрор Валийнинг маълум ва машҳур мажлислари ҳақида қандай маълумотга эгамиз? Фахриддин Али Сафийнинг гувоҳлик беришича, *"То Султон Абу Саъид Мирзонинг замони бўлди. Ҳазрати Эшон(Хожа Аҳрор)ни Тошканддин кўчириб, Самарқандга келтурди. Аввал кишиким, Самарқанддин Ҳазрати эшоннинг суҳбатлари(мажлислари) ва мулозаматларига шитоб билан борди"*. *"Рашоҳат"*да Саййид Абдулқодирнинг ўзи иштирок этган мажлис ҳақида ҳикоя қилишича, Мир Мазид Ҳазрати Эшон мажлисига келиб, тонггача суҳбат курган. Биринчидан, бундай маълумотлар юқорида зикр этганимиз Абу Тохирхожанинг Хожа Аҳрор Валий мажлиси уламолар, олимлар ва зиёлилар билан гавжум бўлганлиги ҳақидаги фикрларини тасдиқлайди.

*"Рашаҳоту айнил-хаёт"*да айтилишича, *"Хизмати Мавлоно Алийи Тусийким, Мавлоно Али Аррон деган лақабда машҳур турурлар ва уламоийи замоннинг уламоларидан эрдилар. Ҳазрати Эшонга эътиқодлари кўп эрди ва мажлисларига кўб келиб-кетар эрдилар. Аммо бағоят кам сўзлар эрдилар. Бир кун Ҳазрати Эшон айдилар: "Сизнинг олдингизда бизнинг сўзламагимиз гоёт бешармлик турур. Керакким, сўз ойтсангиз, бизлар эшитсак". Хизмати Мавлоно ойдилар: "Жоегаким, мабдаи файёз(Аллоҳ)дин сўз етушса, бевосита бизнинг ул жойда сўз демагимиз бешармлик турур"*. Шунинг учун йиғинларда мажлис иштирокчилари Яратганнинг дўсти бўлмиш авлиёлар султони Хожа Аҳрорнинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тинглашган. Чунки унинг мажлислари илм-маърифат манбаи ҳисобланган.

Иккинчидан, Хожа Аҳрор Валий мажлисларида Қуръон, ҳадис, шариат ва тариқат мавзуларида сўз юритилган. Сафийнинг ёзишича, Хожа Аҳрор нафақат мажлис қатнашчилари берган оғзаки, балки кўнглидан ўтган саволларга ҳам жавоблар қайтарган. Аниқроқ қилиб айтганда, *"бир киши Ҳазрати Эшоннинг мажлисларида аҳли мууроқабдан бўйин каж қилиб, ўзини мууроқиб ва машғул қилиб кўрсатур эрди. Ҳазрати Эшон тунд бўлиб айдилар: "Бир киши Мавлоно Низомуддин(Хомуш) алайҳир раҳманинг суҳбатларида бошин ошоқга солиб ўлтуруиб эрди."*

Айдилар: “Бошингни юқори кўтарким, кўрарман, сандин дуд чиқар ва санга мууроқабатга на нисбат бор турур, неча йиллар санга истинжо кесагини муҳайё этмак керак ва мабразлардин нажосатларни олиб ташламоғинг керак, то онга шойиста бўлурсанким, бу тариқдин санга сўз ойтилса, мууроқабат ҳануз на ерда турур?”

Яна Хожа Аҳрор мажлиси шарифларида “бир киши ўзини такаллуф ва тааммул била нисбати беҳудликда ва кайфияти истиғроқда тута эрди. Ҳазрати Эшон онга мутаважжих бўлиб, бу байтни ўқудилар:

***Каж-маж маё ба туҳмати масти ки дар тариқ,
Моро нишонҳост аз он шоҳи бенишон.***

(Мазмуни: Мастликни баҳона қилиб, йўлда довдираб келма, Бенишон шоҳ (Аллоҳ)дин бизга нишонлар бор.)

Бундай мулоҳазалар билан Хожа Аҳрор ҳар қандай сўфийнинг саволига жавоб бериб борган. Ана шундай тасаввуф мавзусидаги суҳбатлар мажлисни қизитган, дейишимиз мумкин.

Учинчидан, бир кун Фаҳриддин Али Сафий ваъз айтиш ниятида Хожа Аҳрор Валийнинг мажлисига киради. Кўп ўтмай Хожа Аҳрор дейди: “Бир киши ақобирлардин бирининг олдида борди ва айтди: “Хоҳларманким, ваъз айтсам, қайси ният билан айтайин?” Ул бузруг ажаб жавоб берибдур, айтибдурларким: “Маъсиятда ниятнинг нафи йўқ турур. Бу жавоб саҳиҳ турур, онинг учунг, вақтидин аввал сўз айтмоқ ва насиҳат этмак маъсият турур”. Бас, айтдиларким: “бу сўздин маълум бўлурким, сўз айтмоқнинг даражаси баланд турур”. Бу сўздин сўнг айтдиларким: “Эмди ақобири тариқат қаддасаллоҳу арвоҳаҳумга мавъизу тазкир вақтининг таъйини бобида сўз кўб турур. Баъзи айтибдурким, сўз айтмоқ вақти раво бўлурким, мутакаллим ул даража етушган бўлсаким, онинг тили кўпчиликнинг ноибни бўлиб, Ҳақ субҳонаҳунинг ноибни бўлгон бўлса”. Бундан кўриниб турибдики, мажлисларда ваъз айтиш учун ҳар қандай кишидан юксак билим ва муайян даражага эришиш талаб этилган. Хожа Убайдуллоҳнинг суҳбати-йиғинлари кучли нотик ва юксак билим соҳибни томонидан олиб борилганлиги учун ўзининг таъсирчанлиги билан ажралиб турган.

Тўртинчидан, мажлисларда Хожа Аҳрор Валий шеърлар ҳам ўқиган. Бу эса ўз навбатида айтилаётган фикрга ўзига хос куч бахш этган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Хожа Убайдуллоҳ ўз фикрларини баён қилишда шеърий услубдан фойдаланганлигига урғу берган: *“Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор раҳматуллоҳи алайҳи ўзлари тариқат ишини ҳеч ҳам сусайтирмай олиб борар, иршод ишларидан бир лаҳза ҳам тўхтамас эдилар. У кишининг илмлари, файзлари ва сўзлари кишиларни маҳлиё қиларди. У киши ўз фикрларини баён қилишда шеърий услубдан ҳам фойдаланар эдилар”*. Масалан, “Рашоҳат”да ёзилишича, бир кун азизлардан бири Ҳазрати Эшоннинг мажлисларида сўрадики: *“Акоби сўфия қаддасаллоҳу арвоҳаҳум айтибдурларким, вужуди Ҳақ ва ҳастийи мутлақдин бошқа вужуде мавжуд эрмастур ва мазохир пардасини зухур этган бир турур, ва таҳқиққа бино қўйилса, аҳли исломнинг мухолафат ва мунозаатлари аҳли куфр била на важҳдин турур?”* Хожа Убайдуллоҳ унга бу икки байт била жавоб берди:

***Чунки берангий асири ранг шуд,
Муси бо мусиъий даржанг шуд,
Чун ба берангий раси кон дошти,
Мусийу Фиръавн дарад оштий.***

(*Таржимаси*: Поклик нопокликка асир бўлгач, Мусо гуноҳкорлар билан жангга тушди. Покликка етсанг, унга етган бўласан, У пайтда Мусою Фиръавн ўртасида сулҳ бўлади.)

Яна бир мажлисда Хожа Аҳрор Валий йиғин аҳлини “узлатга чекинишни манъ этиб, суҳбатга тарғиб этдилар” ва мазкур мавзуда қуйидаги байтни ўқидилар:

***Шакар танҳо махуо бо гул баромиз,
Ки дар таркиб бошад нафъи бисёр.***

(*Таржимаси*: Шакарни ёлғиз ема, гулга қўш, Таркибда фойда кўп бўлади.)

Яъни, бу билан авлиёлар султони суҳбат-мажлисларнинг киши камолотидаги ўрни беқиёс эканлигини баён этмоқда. Содда қилиб айтганда, мажлис-суҳбат кишига таълим ва тарбия беради, ҳам камолотга олиб боради. Албатта, ўрта асрлардаги етук авлиёларнинг барчаси устоз валийлар билан суҳбат қуриб, мажлисларида таълим олиб юксак даражага эришганлари айни ҳақиқат.

Мухтасар қилиб айтганда, Хожа Убайдуллоҳ Ахрорнинг мажлислари Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби кўплаб ўз даврининг буюк мутафаккирлари тафаккури ва дунёқараши ривожига катта таъсир кўрсатган, дейиш мумкин. Бу эса келгусида олиб борилажак тадқиқотларда ўз исботини топади, деб ўйлаймиз.

ЖОМИЙ ҚОШИДА ЎҚИЛГАН КИТОБ

Хожа Ахрор Валий “Фақарот ул–орифин” (“Орифлар сўзларидан парчалар”), “Волидия” (“Отага бағишлов”), “Ҳавроийя” (Абусайд Абулхайрнинг “Ҳавроийя” рисоласига шарҳ) номли рисоалар ёзган. Навоий “Хамсат ул–мутаҳаййирин”да “Волидия” рисоласини Жомий ҳузурда ўқиганини ёзади: *“Ул, расоил ва кутуб теъдодиким, бу фақир (Навоий) алар (Жомий) хизматида таълим ва истифода юзидин ўқибмен. ...Яна Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ (тоба сароҳу)нинг оталари ишорати била битилган рисоаларидир, ҳам фақр ҳам фано тариқидаким, ўз ўзилга бу давлат муяссар бўлиб эркинки, ота амри била бу навъ шойиста хизмат қилмиш бўлғай ва андоқ писандида амр бажо келтирмиш бўлғай”*.

***Отаси қилгон учун таклифе,
Қилди онинг отизга таълифе,
Толиб эл тилига мазкурдурур,
“Волидийя” била машхурдурур.***

Нақшбандия тариқати, унинг таълимоти, ақидаси ва бошқа тариқатлардан фарқли нозик жиҳатларга бағишланган мазкур асар ҳам Жомий йиғилишларида мутолаа қилинган.

Амир Темур ва темурийлар даврида ҳам аҳолининг китобхонлик мутолааси ва маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилган. Темурийлар Ренессанси деб аталадиган бу даврда салтанатдаги катта-кичик шаҳарларда кўплаб кутубхоналар барпо этилган. Зотан, Буюк Соҳибқирон Амир Темур “Китобни барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл – идрокнинг, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўргатувчи мураббий”, деб билган. Шунинг учун Амир Темур ва унинг авлодлари китобсевар бўлишган.

Темурий Султон Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) даврида ҳам мамлакатда кутубхоналар кўпайган. Айниқса, бу даврда зиёлилар хонадонларида китобхонлик кечалари ўтказиш анъанага айланган. Буюк мутафаккир ва шоир Абдурахмон Жомий (1414-1492) хонадоида ҳам тез-тез китобхонлик кечалари ташкил этилган. Манбаларда ёзилишича, ушбу йиғинларда Хуросоннинг саййидлари, уламолари, олимлари, шоирлари, зиёлилари қатори Ҳазрат Алишер Навоий ҳам иштирок этган. Ҳатто Жомийнинг мажлисларида султон ва шахзодалар қатнашганлиги хусусида маълумотлар мавжуд.

Нақл қилинишича, баҳор кунларидан бирида Жомий ҳузурида йиғилган шоирлар-у алломалар, хонандаю созандалар даврасида (китобхонлик кечасида – муаллиф) ўтган буюк зотлар (Низомий, Деҳлавий ва бошқалар)нинг “Ҳамса” китоблари ҳақида баҳс борар экан, гап Низомий билан Хусрав Деҳлавий китобларига тақалади. Ана шунда ҳиротлик шоирлар иккала ижодкор асарларининг жаҳондаги шону шуҳрати, улар яратган “Ҳамса”ларнинг олам аҳлига манзурлиги ҳақида эътиборли фикрлар билдиришади. Айниқса, жами ўнта дoston ичида дастлабки икки дурдонанинг ўзгача ўрни борлиги, уларнинг маънавий юксаклиги, бадий баркамоллиги тўғрисида сўз юритилади. Яратилган “Ҳамсалар” муҳокама қилинган Жомийнинг ушбу китобхонлик кечасидан сўнг шоирлар султони Алишер Навоий “Ҳамса” ёзишга астойдил киришган. Дарвоқе, Навоий “Ҳамса” ва “Ҳафт авранг” китобларидан айнан Жомийнинг китобхонлик кечаларидан бирида таълим олган: *“Яна “Ҳамса”, балки “Ҳафт авранг”ларнинг кўпрагин муқобала(танишиши) дастури била алар ўқигонда қулоқ тутулубтур, мадади учун алар (Жомий) мажлисида ўқулубтур”*, дейди бу ҳақда Навоий “Ҳамсат ул-мутахаййирин”да.

Жомий хонадоида ўтказилган мазкур китобхонлик кечаларида Навоий тасаввуфга оид турли хил мўътбар китобларни мутолаа қилган. Бу ҳақда Хондамир шундай ёзган: *“Ҳазрат (Навоий) ҳақиқатлар паноҳи бўлган жаноби олий Маҳдумий Нуран(Жомий) хизматида бўлиб, ҳар доим ул зотнинг ҳузурида дарвешларнинг китоблари ва тасаввуфга оид асарларни ўқишга машғул бўлдилар. Ул жаноби олий (Жомий)нинг бу борада ёзган рисоаларини ҳам ўша кишининг ҳузурида мутолаа қилдилар.*

(Айтиб ўтиш лозимки) ул жаноби олий (Жомий) ҳам ўзидан файз таратиб турган ўша асарларини ҳидоят нишонли ушбу Амир(Навоий)нинг қутлуг номига бағишлаб ёзди". Бинобарин, Алишер Навоий бўш вақт топиб, устози ва пири Жомий ҳузурига йўл олар ва китобхонлик кечаларида китоб ўқиб, тўхтовсиз ўз билимини ошириб борган ва "Хамсат ул-мутахаййирин"да "“Ул расоил ва кутуб теъдодиким, бу фақир (Навоий) алар (Жомий) хизматида таълим ва истифода юзидин ўқубмен”, деб қатор китобларнинг номларини келтириб ўтган.

Абдурахмон Жомий ҳузурдаги китобхонлик йиғинларида Навоий ўқиган китобларнинг аниқ сонини айтиш мушкул. Аммо ўз даврида мўътабар саналган ва Навоийни қизиқтирган бундай асарларнинг сони жуда кўп бўлгани аниқ. Бинобарин, биз шоир асарлари асосида уларнинг айримлари ҳақида сўз юрита оламиз, халос. Шоирлар султони устози Жомий томонидан тахминан 1464-1466 йилларда ёзилган "Рисолаи Қофия" китобидан таълим олган. "Аввал алар битиган **“Қофия”** рисоласидурким, анингдек мухтасар ва муфид рисола бу фанда ҳеч ким билмайдур", деб бу асарга юқори баҳо берган. Навоийнинг таъбири билан айтганда, **“Муаммо” (илми)**нинг иккинчи рисола”сини шоир улуғ устози ҳузурда мутолаа қилиш бахтига муяссар бўлган. У Навоий илтимосига биноан муаммо бўйича яна учта рисола ёзган. Устозининг "Рисолаи Аруз" номли китобини ҳам Навоий китобхонлик мажлисида ўқиган. Муқаддима ва 8 фаслдан иборат бўлган рисолада аруз назариясига оид муҳим масалалар ёритилган.

1465 йилда насрий мусажжаъда ёзилган, тавҳид, ҳол, мақом, фано ва бақо каби тушунчаларнинг тасаввуфий-ирфоний талқинига бағишланган "Лавоеҳ" ("Зарварақлар") асари шоирлар султонида катта қизиқиш уйғотган, китобхонлик йиғинида асарни ўқиган Навоий бу ҳақда шундай деб ёзган: "Яна **“Лавоеҳ”**дурким, сўфия машойих истилоҳида битилибдурким, андоқ рисола ҳеч роқимнинг қаламидин ва ҳеч қаламнинг рақамидин таҳрир топмайдур". Жомий мажлисларида Навоий ўқиган китоблардан яна бири – "Лавомеъ" ("Шуълалар")дир. Асар тасаввуф шоири Ибн ал-Форизнинг "Қасидаи хамрия"сининг бадий таржимаси ва шарҳи ҳисобланади.

Алишер Навоий Жомийнинг китобхонлик йиғинида файласуф шоир Фахриддин Ироқийнинг “Ламаъот” (Шуълалар) асаридан сабоқ олган. Бир неча машғулотдан сўнг мураккаб бу асардаги истилоҳлар изоҳга эҳтиёж сезган ва Жомий асарга ёзилган шарҳларга мурожаат қилган. Аммо бу Шарҳлардан унинг кўнгли тўлмаган. Жомий асарга изоҳ ёзганлар, унинг маъносига етиб-етмай шарҳлашганини пайқайди ва Навоий ҳам устозига “Ламаъот”га янгича шарҳ ёзишни илтимос қилади. Шундан сўнг Жомий асарга “Ашиъат ул-ламаъот” номли мукаммал шарҳ ёзади.

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи Қудсия” асари ҳам китобхонлик кечаларида ўқилган китоблардан ҳисобланади. Бу асар нақшбандия тариқати асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг суҳбат-мажлисларида янграган ҳикматли сўзларининг шарҳидир.

Китобхонлик кечаларида нафақат, асарлар мутолаа қилинган, балки рисолаларнинг мавзуси, мазмун-моҳияти борасида баҳс ва мунозаралар олиб борилган. Агарда мажлисдагилар бирон-бир мураккаб асарни тушунмаса, Жомий уни изоҳлаб берган. Гап шундаки, диний-ирфоний ва тасаввуфга доир бундай мураккаб асарларни ҳамма ҳам тушунавермаган. Шунинг учун бундай асарлар моҳиятини англаш учун валий устоз раҳбарлигидаги махсус тайёргарликни талаб этган. Навоийнинг ҳам тасаввуф пири Абдураҳмон Жомий ҳузуридаги китобхонлик кечаларига қатнагани бежиз эмас, албатта.

Адабиётшунос Фаррухбек Олим таъбири билан айтганда, Алишер Навоийни етукликка йўллаган манба ҳам айнан китобхонлик кечаларида у мутолаа қилган китоб ва рисолалар эди. Буюк Шогирд ўзидан аввалги ва ўзи мансуб бўлган адабий муҳит ижодкорлари асарларини ўрганиш асносида ўз иродасини шакллантирди, тарбиялади. Шунинг учун ҳам Навоий салафлари Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий ва бошқа шоирлар таърифига ўз асарларида алоҳида ўринлар ажратиб, уларни мадҳ этишдан ҳеч чарчамайди.

Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий номи, аввало, китоб номи билан боғлангандир. Орзуимиз – биз ҳам китоб мутолаасида уларга издошлик қилсак.

Жомий ҳузуридаги мутолаа яъни, китобхонлик кечалари, мўътабар китоблар ҳақида Иброҳим Ҳаққул шундай ёзган: *“Ҳамсат ул-мутахаййирин” хотимасида Навоий устози Абдураҳмон Жомий хизматида (ҳузурида) “таълим ва истифода” юзидан ўқиган ўндан зиёд китоб рўйхатини келтирадидики, уларнинг аксарияти тасаввуф ҳақида... Шунингдек, Навоий Ҳужвирий, Имом Қушайрий, Сухравардий, Имом Ғаззолий, Ибн Арабий каби ислом алломаларининг асарларини ҳам пухта билган. Навоийнинг тасаввуф билан алоқасини белгилашда бундай фактларга жиддий қараш керак. Навоийшуносликда худди шу жиҳат етарли даражада инобатга олинганча йўқ”.*

Мухтасар айтганда, Жомийнинг китобхонлик кечалари Алишер Навоий дунёқараши ва тафаккур олами шаклланишига ҳамда ижодий камолотига кучли таъсир қилган, дейиш мумкин.

ШАҲИ НАҚШБАНД

Албатта, Навоий таъбири билан айтганда, ўзи таниган, билган, суҳбатлашган Баҳоуддин Нақшбанднинг муносиб вориси Хожа Аҳрорни кимса (киши) дейишга тил бормади. У инсон эмас. Унда у ким? Чунки одамлар одатда бундай (ғайриоддий, кароматгўй, ўта қобилиятли ва авлиёсифат) бўлмайдилар. Хожа Аҳрордагидек мардлик, каромат ва жасорат, дуоларининг бирданига ижобат этилиши ҳамманинг қўлидан келавермайди. Навоий ҳам худди шундай. Дарвоқе, айтинг Навоийдек юракни хонавайрон қиладиган, ишқ оятлари даражасидаги санъаткорона шеърларни шу пайтгача ким ёза олган, ёки ёза олади? Хўш бу улуғ зотлар инсон бўлмаса, ким ахир, деган ҳақли савол туғилади? Воқеан бу табаррук зотлар ер юзидаги фаришталар, Аллоҳ таолонинг маҳбублари, Яратган назаридаги азиз-авлиёлар десак, балки ҳақиқатга тўғрироқ бўлар. Инчинун, Хожа Аҳрор Валий ва Навоий тўғрисида фикр юритган ҳар қандай зиёли ана шундай мулоҳазага бориши табиий ҳол.

Нақшбандийлик таълимотининг йирик намояндаси Хожа Аҳрор билан бу сулукнинг пешвоси ва ғоялари тарғиботчиси Алишер Навоийнинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Биринчидан, бу икки авлиё тасаввуф пирлари бўлишдан ташқари шариятда мустаҳкам туришган. Диннинг низоми Навоий каби қутбул авлиё бир умр

диннинг таянчи бўлган. Бу улуғ зотлар ўз асарларида, нутқларида, мажлисларида нақшбандийлик ғояларини тарғибу ташвиқ қилганлар. “Ҳайрат ул-аброр”да Навоий авлиёлар султони, соҳибкаромат Хожа Аҳрорни Баҳоуддин Нақшбанднинг муносиб вориси сифатида таърифлаган.

Маълумки, теурийлар даврида Баҳоуддин Нақшбанд асос солган нақшбандия – энг машхур тариқатлардан бири бўлган. Навоий ҳам ўз вақтида Самарқандда нақшбандия имомларидан Хожа Аҳрор Валийдан таълим олган ва ўзи ҳам расман нақшбандия сулукида бўлган. Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” да “*Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддуса сирруҳу мадҳидаким, сунъ наққоши ҳикмат хомаси била рўзгор саҳифасида анинг вужуди нақшин исломий тарҳ этти ва сурати иршоди била куфр аҳли кўнгли варақидин хитойи ва фаранги нақши кетти ва Хожа Убайдуллоҳ салламаҳумуллоҳга ниёз арзиким, ул ҳазратқа халафи мутлақ, балки халифаи барҳақ дурур*”, дея Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақида сўз юритади:

*Хожаки, наққоши сипехри баланд,
Бўлғали ҳар сафҳасига нақшбанд.
Айлади авроқ мунаққаш баса,
Нақш рақам айлади дилкаш баса.
Лек анинг нақши киби дилнавоз,
Чекмади то хомасидур нақш соз.
Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
Маҳв ўлуб ул сафҳада нақши вужуд.
Нақшига тенг тутмай ўзин нақши Чин,
Олам ўлуб илгида нақши нигин.
Бўйла нигин нақшига фармонбари,
Мунча ажаб нақш ила деву пари.
Саъй ила бу гунбади бисёр нақш,
Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.
Нақшининг оллида намудор уза,
Нақш бўлуб сафҳаи девор уза.
Мунча ажаб нақш била аржуманд,
Кимса эмас гайри шаҳи нақш банд.
Жонга чекиб ранжу ано нақшини,
Сизмоқ учун анда фано нақшини.*

*Жони чу ул нақш макони бўлуб,
Нақшдин ўзга бори фоний бўлуб.
Турфа буким нақшга кўз солмайин,
Жонида жуз нақши бақо қолмайин.
Кўнгли чекиб маскан аро нақши сайр,
Сайрда йўқ кўнгли аро нақши зайр.
Сайр анга бу тоқи мунаққаш уза,
Нақши кафи лавҳаи заркаш уза.
Чун изининг нақшига суртуб жабин,
Равшан этиб кўз фалаки нақшбин.
Равзаи жаннатқа чу айлаб хиром,
Ҳоли анинг ўрнида қойим мақом.
Улки бу офоқ ичида тоқ эрур,
Тоқ неким, муршиди офоқ эрур.
Чархи нигун даргаҳида хок рўб,
Балки жабини била хошок рўб.
Юз қўюбон қуллиғига шоҳлар,
Базмида беҳуд ўлуб огоҳлар.
Хизматидин ҳар киши огоҳ ўлуб,
Гарчи гадо маъни ила шоҳ ўлуб.
Неча тушуб эғнига қилсанг қиёс,
Хозини ирфон кафидин юз либос.
Зарқ ила тағйири либос этмайин,
Тафриқаи хаззу палос этмайин.
Сухбатида ҳар неча бешакку райиб,
Жилва қилиб шоҳиди раънойи гайб.
Гўшаи хилват аро тутмай қарор,
Ўзини қилмай яшурун ошкор.
Атласи гардун била минг зебу фар,
Тўрқа тўни остида кўк остар.
Лек ўшал тўрқаси ҳар тор ила,
Фақрда юз муршид учун силсила.
Мулки жаҳон мазраи деҳқони ул,
Балки жаҳон мулки ниғаҳбони ул.
Йўқки мамоликка ниғаҳбон ўлуб,
Борча салотин уза султон ўлуб.
Руқъалари етса не шаҳ қошига,*

*Иш ани қўймоғлиг ўнуб бошига.
Англаб ани бош уза тожи яқин,
Ҳар сўзи ул тоже уза дурри самин.
Шаҳга дема, лутф чоғи тоже бахш,
Балки гадоларга доғи тоже бахш.
Ҳақ сўзини элга қилурда адо,
Тенг кўрунуб олида шоҳу гадо.
Чун чолиниб навбати қадрига кўс,
Шаҳлар ўлуб навбат ила хокбўс.
Хотир ўлуб меҳри жаҳонтоб анга,
Авжи шараф анжуми асҳоб анга.
Ҳар бири олам элига раҳнамо,
Дема жаҳон аҳлики, аҳли само.
Борча сулук аҳлига раҳбар бўлуб,
Йўл элига тийра тун ахтар бўлуб.
Тийра назарларга бериб нури тоб,
Ҳар бириси ўйлаки нажму шиҳоб.
Гарчи тижорат бўлуб ойинлари,
Бўлмади бир мулкка таскинлари.
Юклариди тухфаи нақди фано,
Ҳар бири ул нақддин истаб гино.
Симлари борча фано конидин,
Дурлари йўқлуқ суви Уммонидин.
Чун кивуруб ҳар сори рахти нажот,
Банд бўлуб чорсуйи коинот.
Олғучи гар ваҳми зиёнбуд этиб,
Лек бу савдо чу қилиб суд этиб.
Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устида онинг фалак айвони бор.
Қўймасун айвони жаҳонни тиҳи,
Дабдабаи кўси Убайдуллаҳий.
Ҳимматидин бизни этсун Худой,
Фақр йўлида гани, имонга бой.³³*

“Хожагон силсиласининг еттинчи пири Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд Бухорий 1318 йил Бухоро

³³ Алишер Навоий. Ҳайрат ул – аброр. Хамса. МАТ, Еттинчи том.Т.: Фан, 1991.-Б.96-99.

атрофидаги Қасри Ҳиндувон (Ҳозирги Бухоро вилояти Косон тумани Қасри Орифон қишлоғи) қишлоғида ҳунарманд оиласида дунёга келган. У “Ҳожаи Бузург” (“Буюк Ҳожа”), “Баҳоуддини Балогардон” (“Балони қайтарувчи”), “Шоҳ Нақшбанд” номлари билан шуҳрат қозонган.

У баланд бўйли, бўғдой рангли ва нуроний юзли бўлган. Ниҳоятда хушмуомала, сўзлаши жозибадор эди. Етти ёшидаёқ Қуръони каримни тўлиқ ёдлайди.

Отаси тўқувчи ҳамда ўйма нақш солувчи (нақшбанд)лик билан шуғулланган ва қариган чоғи тариқатга кириб, ўғлига эргашган. Айрим манбаларда Ҳожа Баҳоуддин ёшлигидан отаси билан бирга нақшбандлик (матога гул босиш) ҳунарини ўргангани сабабли “Нақшбанд” лақабини олгани таъкидланади. Бироқ кейинги даврларда яратилган манбаларда ёзилишича, Баҳоуддин кўнгил зикри билан узлуксиз шуғулланиши натижасида унинг қалбига Аллоҳ исми нақшланиб қолгани унга шу лақаб берилишига сабаб бўлган. Бундан ташқари, у дин йўлидаги хизматлари туфайли “Баҳоуддин” (“Диннинг нури”) унвонини олган.³⁴

Аслида Ҳожа Баҳоуддинга нисбатан қўлланилган Ҳожа нисбаси тариқат машойихларига бериладиган унвон. Ҳожа унвони илк бор Юсуф Ҳамадоний ҳазратга берилган. Бу унвонга эга бўлганлар: Ҳожа Абдулҳолик Ғиждувоний, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ҳожа Муҳаммад Самосий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор Валий ҳазрат ва бошқалар.³⁵

Ҳожа Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд Бухорий (1318-1389) каби машойихлар мажлислари Алишер Навоий (1441-1501) асарларида баъзан суҳбат ёки суҳбати-мажлиси деб зикр этилган. Ана шундай диний ва тасаввуфга оид мажлисларни тасаввуф пешволари хонақоҳларда, масжидлар ва мадрасаларда қурганлар ва мажлис аҳли билан яқиндан мулоқотда бўлганлар. Машойихларнинг, оқ фотиҳа берувчи авлиё устозлар йиғинларига қатнашганликлари эса Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида “суҳбат тутиб эрди”, “суҳбатиға етти” дея қайд этилган. Насафий “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд” китобида

³⁴ <https://moturidiy.uz/uz/news/1946>

³⁵ <https://karachik.com/artikle/1360>

“Шу маънода сўфийлар, бўлғуси валийлар нодир инсонларнинг суҳбатида бўлишига жуда катта эътибор берганлар. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий ўз асарларида ҳар бир валийни таърифлаганларида уларнинг замонасидаги қандай улуг зотларнинг суҳбатига етишиганликларини алоҳида таъкидлайдилар. Бинобарин, ҳадисда айтилганидек, азизлар суҳбатининг бир соати кўп йиллик мактаб, мадраса сабоғидан афзалдир.”³⁶ Темурийлар даврида кенг тарқалган нақшбандия ва бошқа айрим тариқатлардаги суҳбатлар оммалашувининг асл сабаби унинг Пайғамбаримиз (С.А.В.)дан қолган суннат эканлигидадир. Бу ҳақда адабиётшунос Нажмиддин Комилов шундай деган: “Расули Акрам дин асослари, шариат аҳкомини ва ҳам гайб асрорини суҳбат билан бошқаларга тушунтирар эдилар. Шунинг учун у киши билан бирга бўлганларни саҳобалар, яъни аҳли суҳбат деб атаганлар.”

Келинг, мисолларга мурожаат қилсак, Амир Темур ҳукмронлиги даврида Низомуддин Хомуш таҳсил вақтида Бухоро уламоларидан бирининг уйидаги мажлисда Хожай бузруквор (Баҳоуддин Нақшбанд)ни кўриш бахтига мушарраф бўлади. Шундан сўнг у нақшбандия авлиёларидан Алоуддин Аттор суҳбати(мажлиси)да бўлган. Бу ҳақда Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Хомушнинг қуйидаги фикрларини келтирган: *“Аввал қатлаки, Хожа Алоуддин суҳбатига бордим, Хожай бузургвор(Нақшбанд) асҳобидин бири аларнинг эшигида ўлтуриб эрди. Манга дедик, вақт бўлмадик, зухду покизаликларингдин чиққайсен? Бу сўз менга оғир келди, аммо Хожа қошига кирганда алар ҳам ушбу сўзни дедилар, вале менга оғир келмади.”* Ана шундан сўнг суҳбат-мажлисларга қатнаш орқали Низомуддин Хомуш камолотга эришган. “Тасаввуф” китобида ёзилишича, *“(Баҳоуддин) Нақшбанднинг ўзлари кўп улугларнинг суҳбатини олганлар ва Бухорода муридларни суҳбат воситасида тарбиялаганлар. Ул зотнинг Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор сингари шогирдлари ҳам суҳбат усулини маъқул кўрганлар. Бир нечта китоблар муаллифи, “Қудватул уламо” лақабини олган Сайид Шариф Журжоний эътироф этади: “Мен то шайх Зайниддин Ало хизматида етмагунча рафздан (шиадан) қутулмадим ва то Хожа Аттор суҳбатини олмагунча Худони*

³⁶ Насафий. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд. Т:Фан-1993. 7-б.

танимадим”.³⁷ Зотан, тасаввуфда тариқат йўлига кирган солик (мурид) муайян шартларни бажариш, пири муршид суҳбатида бўлиш, насихатларига амал қилиш орқали камолга етган. “*Хожа Баҳоуддин Нақшбанд шундай қилиб, тариқатнинг амалий йўриқларини Бобойи Самосий, Амир Саййид Кулолдан ўрганган бўлса, ботиний-маънавий таълимни Абдуҳолиқ Ғиждувонийдан қабул қилган. Шундай ҳолни бошқа шайхлар ҳаётида ҳам кузатиш мумкин. Пир ва муридлик муомаласида қуйидаги уч нарсага диққат қилинганини кўрамиз: Биринчиси суҳбат таълими, иккинчиси – хирқа кийгиши, учинчиси – зикр талқини.*

*Шайх Саидиддин Фаргонийнинг айтишича, хирқа (дарвешларнинг махсус кийими) икки хил бўлган: 1). Иродат (Сулук) хирқаси, 2). Табаррук хирқаси. Иродат хирқаси – муайян шайх сулукига тааллуқлилики билдирган. Табаррук хирқани эса кўп шайхлардан олиш мумкин бўлган. Шу каби бўрк, кулоҳ, кўйлақлар ҳам тўхфа сифатида қабул қилинган. Талқини зикр ҳам битта шайхдан олинган, аммо суҳбат таълимини киши истаган шайхдан олиши мумкин бўлган. Хирқа кийдириш ва зикр талқинининг ўзига хос маросимлари, талаблари бўлган”.*³⁸

Муриднинг камолотида пиру устозларнинг суҳбати, мажлиси, илтифоти, муборак назари муҳим ўрин тутган. “*Илоҳ йўлига ўзини бағишлаган муридга раҳбарлик қилувчи пирнинг ўзи ажзу изтироб йўли – тариқат мақомларини эсон-омон босиб ўтган, қалби Илоҳ маърифатига ломмо-лим ориф инсон бўлиши керак бўлган. Пир ҳар жиҳатдан муридга ўрнатилган бўлмоғи даркор бўлган: Ҳам билимнинг чуқурлиги, ҳам тариқат усулларини яхши билиши, ҳам кўнглининг поклиги, нафсини маҳв этганлиги ва ҳоказолар билан ажралиб туриши, салобати, сўзи ва ҳаракати билан, суҳбати ва назари, тадбири ва ҳимояси билан муридга таъсир ўтказмоғи лозим бўлган.*

“Агар шайхлик рукнлари нечта, деб сўрасалар, еттита деб айтгил, - деб уқтиради Кошифий “Футувватномаи султоний” асарига. – Биринчидан, шайх комил маърифат эгаси бўлсин. Иккинчидан, ўткир фаросатли, одамунос киши бўлиб, бир нигоҳ

³⁷ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996.-Б.22-23.

³⁸ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996.-Б.22-23.

ташлаш билан муриднинг қобилиятини илғай олсин. Учинчидан, етук руҳий – маънавий қуввати бўлсин, токи агар мурид тариқат йўлидан адашса, унга маънавий мадад бериб, мушкулини осон қилолсин, тўғри йўлга солсин. Тўртинчидан, етарли даражада эркин одам бўлсин, яъни ҳеч нарсага муҳтожлиги бўлмасин. Бешинчидан, ихлоси мустаҳкам бўлиб, риё ва таъмани тарк этсин, мол ва мансаб деб бировга сарғаймасин, эгилмасин. Олтинчидан, ростлик ва безараз дўстликни шиор қилсин – ҳақ сўзни ҳар ерда, ҳар қандай шароитда айта олсин, гапирганда иккиюзламачилик қилмасин. Еттинчидан, қалбида шафқат нури порлаб турсин, мурид манфаатини ва умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйсин”.³⁹ Бинобарин, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ пирлар раҳнамолиги ва мулоқот таълими орқали солиқ баланд даражаларга етишган. Чунки суҳбат-мажлис –бу таълим - тарбия, билим ва тажриба орттириш манбаи саналган. Нажмиддин Комилов бу ҳақда шундай деган: “Жунайд (Богдодий) каби Нақшбанд ҳам суҳбат таълимини жуда қадрлаган. Суҳбат таълими хафий зикр усулига ва “анжуман ичра хилват” талабига мосдир. Суҳбат самоъ ва зикрий жалони рад этади. Баҳоуддин ҳазратлари демишлар: **“Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат (бор). Хайрият жамиятдадир ва жамият суҳбатда бу шарт билаки, бир-бирига нафй бўлулғай. Ва улча ул бузург буюрибдурки, “кел, бир соат иймон келтирайлик!” Ишорат ангадурки, агар жамъи бу йўл солиқлари (муридлари) бир-бири била суҳбат тутсалар, анда кўп хайру баракатдур”** (“Насойим ул-муҳаббат”дан).

Суҳбат – хилват – жамият. Яна номувофиқлар мувофиқлиги, бир-бирига зид тушунчаларни мослаштириши. Хилватдан мақсад якка бўлиши, яъни Аллоҳ билан бирга бўлиши демак. Икки киши бир жойда бўлса, бу хилват эмас, балки жамиятдир. Шу билан бирга, суҳбат камида иккита одам бўлишини тақозо этади. Хўш, суҳбатдошлар суҳбати ирфон мавзуида бўлса, агар уларнинг баҳс-мунозараси Ҳақнинг ҳақиқатига яқинлаштира, демак бундай анжуман хилват ўрнини боса олади. Чунки хилватдан мурод маърифатдир, суҳбатдан мурод ҳам илоҳий маърифатдир.

³⁹ Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996.-Б.22-23.

Нақшбанд жанобларининг суҳбат ҳақидаги фикрлари яна шуниси билан муҳимки, унда пиру мурид суҳбати, бошқача айтганда, бири насихат қилиб, иккинчиси (ёки кўпчилик муридлар) сўзсиз қулоқ соладиган суҳбат эмас, балки ҳақиқий орифона тортишув назарда тутилган. Яъни, мунозара ва фикрий-шуурий далил-исбот билан ҳақиқатни аниқлаш, сўфиёна ботиний чарақлашларни бир-бирига туташтириш, бир-биридан баҳраманд бўлиш. Суҳбатда офат ва офатда шуҳрат деганларининг маъноси шу.” Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобида ҳам бу борада шунга ўхшаш фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтган: “*Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари суҳбатларга катта аҳамият берар эдилар. У киши қаерга борсалар, яхшилик қилиш, сулҳ, иршод ва халқ тарбияси билан машғул бўлар эдилар...*

Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ўз суҳбатларида асосан фарз бўлган илмлардан таълим бериш ва ахлоқ тарбияси билан машғул бўлар эдилар. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромларнинг йўли ҳам шу эди.

*Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари: “...Суҳбатни тарк этган йўлни ҳам тарк этган бўлур”, дер эдилар”. Бинобарин Баҳоуддин Нақшбанд томонидан суҳбату мажлисларда сўзланган фикр-мулоҳазалар шогирди Муҳаммад Порсонинг “Қудсия” асаридан ўрин олган. Бу ҳақда Навоий “Хамсат ут-мутахаййирин”да шундай деган: “...Машойих рисолидин: *Хожа Муҳаммад Порсо(қуддиса сирруҳу)нинг “Қудсия” сидурким, ҳазрати қутбул-авлиё Баҳоуддин Нақшбанд раҳматуллоҳнинг фирдавсойин мажлисларида ул ҳазратнинг муъжиз баён тиллариға ўтган ҳақойиқ ва маоний баъзи хулофоқим, жамъ қилурлар эрмиш Хожа Муҳаммад мазкур анга маоний битибдурлар ва толиблар учун анинг диққатлари ийҳомин возиҳ этибдурлар.*” Манбаларда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг бирор бир асар ёзганлиги қайд этилмаган. Унинг муридлари ва издошлари унинг турли ўринларда тасаввуф, тариқат одоблари борасида айтганларини ёзиб бориб, кейинчалик “Қудсия”, “Аврод”, “Авроди сағир”, “Воридот”, “Далил ул-ошиқин”, “Ҳаётнома” номли бир неча тўпламларда акс эттиришган.⁴⁰*

⁴⁰ <https://moturidiy.uz/uz/news/1946>

Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг издошлари суҳбат-мажлисларда шеърлар ҳам айтишган. Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” китобида ёзишича, “шеърхонлик фақат самоъ мажлисларига хос эмас эди, оят, ҳадис ва шеърӣ ҳикматлар билан нутқни безаб, мазмунли ва таъсирчан қилиш самоъни ёқтирмайдиган ёки унга бепарво қарайдиган хилватнишин шайхлар суҳбатида ҳам расм бўлган. Шайхлар ўз атрофларида тўпланган муридларига тариқат мақоми ва ҳол манзиллари, нузулият сиру асрорини кашф этишининг фазилати ва мушкулоти ваъз-насиҳатлар қилаётиб, маърифатни тушунтиришар экан, орада шеърӣ парчалар ўқиб ёки ихчам ҳикоятларни мисолга келтириб ўтишар, тингловчилар эса бундан руҳланиб, шайхнинг фикрини чуқурроқ англаб эдилар.” Нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг шогирдлари, нақшбандия имомлари ҳам ўз суҳбатларида кўплаб шеърӣ парчаларни, рубоийларни истифода этганлар. Қуйидаги сатрлар Баҳоуддин Нақшбанд қаламига мансуб:

На маро мафраш, на мафрашкаш,

На гуломону турку туркашкаш.

Ҳама шаб чун сағони қаҳдони

Сар ба дум оварам ба хасми хуш

(Мазмуни: *На менда палос бору, на уни кўтариб юрувчи киши бор. На турк гуломларим бору, на гуломларим устидан назорат қилувчи кишига эҳтиёжим бор. Ҳар кеча худди самонхона итлари каби (яъни эгасиз итлар каби) думимни устига бошимни қўйиб ётаман (ҳамма нарсани тарк этганим учун).*⁴¹

Тасаввуфга оид адабиётлардан маълум бўлишича, тариқат пирларининг барчаси рубоий айтган. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам. (Таржимаси):

Йўқ ҳеч нимамизу ҳеч нимамиз кам эмас,

Бор-йўқ гами ҳеч қачон биз учун гам эмас,

Боқ елкада – жанда, орқада қабристон,

Бир кун бу жаҳондан кетсак, мотам эмас.

⁴¹ <https://ferlibrary.uz/baouddin-naqshband>

Бинобарин, етук билим соҳиблари, дин пешволари бўлмиш тасаввуф шайхлари, азиз авлиёлар суҳбатлар орқали илм беришган. Бу ҳақда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф шундай фикрларни келтирган: *“Бир соатлик илм мажлиси етмиш йиллик ибодатдан афзал, яъни фарзлар устига зиёда қилинган ва киши илмсиз равишда қиладиган ибодатлардан. Аллоҳ зинҳор жоҳилни валий қилиб юбормайди. Агар кимни валий қилиб оладиган бўлса, унга таълим беради. Валий ҳеч қачон ўз дини фикрида жоҳил бўлмайди. У қандай намоз ўқишни, рўза тутишни, закот беришни ва ҳаж қилишни яхши билади”*. Бир сўз билан айтганда, шариат аҳкомлари, диний илмларни пухта ўзлаштирган комил авлиё Баҳоуддин Нақшбанд каби тасаввуф шайхларигина суҳбат-мажлисларда толиби илмларга илм ўргатишган. Бу ҳақда Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий “Абдуллонома”да шундай ёзган: *“Талаб қилувчи (толиби илм) бир машойих суҳбати шарафига етса, ўзгаларнинг машаққатларидан тамоман қутулади. Шундай бўлса ҳам (киши) машойихлар(нинг) суҳбати билан қанча кўп тарбият топса, унинг камоли ҳам шунча кўп бўлади*.

ДИЛ БАЁРУ, ДАСТ БАКОР

Тарихчи А.Ўринбоевнинг ёзишича, нақшбандия тариқатининг асосий ғояси меҳнат билан машғул бўлиш ва айни вақтда дил Аллоҳ билан бўлмоғи лозимлиги Хожа Аҳрор томонидан эътироф этилгани ва амалда қўлланилгани унинг ўз сўзидан равшандир. *“Ҳазрат Абдухолиқ Ғиждувоний буюрмишларки, - дейди у Фахриддин Али Сафийнинг “Рашоҳат” асарида, - Халқнинг оғирини енгил қилмоқ даркор, аммо бунга ҳалол касб билан эришилади”*. *“Қўл иш билан, дил ёр (Аллоҳ) билан”* шиори Хожагон тариқатида муқаррардир. Нақшбандийликнинг илғор вакили Хожа Аҳрор доимо Аллоҳни юракка жо этиб, ҳалол меҳнат қилишни тарғиб этган. Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китобида зикр этилишича, *“Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Баҳовуддин Нақшбанд тариқатининг мудури ва энг мухлис муришиди. Олим ва мутасаввуф сифатида шу қадар буюк ҳурмат ва обрў қозонган эдики, ўша вақтдаги хонлар бир–бирига рақобат қилгандек, унинг ҳусн таважжуҳига ноил бўлишга интилар эдилар. Шу ҳолда ҳам у*

Муҳаммад (с.а.в.) Пайғамбар тарафидан баён қилинган “Алфакр фаҳри” (“Камбағаллик менинг фаҳрим”) сўзига амал қилар эди”.

ДУОЛАРИ МУСТАЖОБ АВЛИЁЛАР

Икки авлиё мулклардан, деҳқончиликлардан тушган даромаднинг катта қисмини етим-есирларга хайру эҳсон қилишган. Шунингдек, Хожа Аҳрор Тошканд шаҳри аҳолисининг, Навоий эса ҳиротликларнинг тўлаши лозим бўлган солиқларини тўлаб берган. Навоийнинг саховатпешалик ва хотамтойлик фаолияти Хожа Аҳрор Валийни эслатиб туради. Бобур Мирзо амакиси Султон Аҳмад Мирзо тўғрисида ёзар экан, Самарқанд аҳли унинг йигирма беш йиллик ҳукмдорлик вақтида Хожа Аҳрор ёрдами билан роҳат – фароғатда яшаганини қайд этиб ўтади. Ҳерман Вамберининг таъбири билан айтганда, у (Султон Аҳмад Мирзо) бир тарафдан ўзининг шайхи Хожа Убайдуллоҳга шу қадар ҳурмат кўрсатар эдики, унинг ҳузурида камоли хокисорлик ва муҳаббат билан тиз чўкиб ўтирарди. Ҳатто тасодифан тиззаси остига суяк кириб қолса ҳам уни олиб ташлашга жасорат этмай, оёғининг каттиқ оғришига чидаб, ўша ҳолатда имкон кутар эди. Пирига шу қадар ихлоси баланд эдики, ўз тасарруфидаги мамлакат тинчлиги ва аҳоли фаровонлиги бевосита шайхлар шайхининг мустажоб дуолари ва нурли сиймоси билан боғлиқ эканлигини англаб етарди. Хожа Аҳрор ва Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг тахтга Султон Маҳмуд Мирзо ўтиргач, “бу навъ зулм ва фисқдин (Самарқанд аҳли) бажону дил озурда ва ранжсида бўлдилар”. “Ҳазрати Хожа Убайдуллонинг мутааллиқларигаким, бурун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин халос бўлурлар эди”.⁴² Албатта, бало–қазони юборувчи ҳам, уни дафъ қилувчи ҳам Аллоҳ таолодир. Бироқ Ҳақ таоло суйган бандаси - азиз авлиё Хожа Аҳрор дуоси туфайли балоларни қайтарган, мушкулларни осон қилган, ризқу насибани мўл–кўл қилган. Ростдан ҳам Хожа Аҳрор ҳам, Навоий ҳам, Жомий ҳам дуолари мустажоб бўладиган, сўзлари ерда қолдирилмайдиган авлиёлар сирасидан бўлишган.

⁴² Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”. Т. “Юлдузча”. 1990 й. 24-б.

РАФОҲИЯТ ВА ФАРОҒАТ ЗАМОНИ

Тарихимизда Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо даври деярли ўрганилмаган. Аммо тарихий маълумотлар ушбу султон ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор замонида Самарқандда илму маърифат, маданият ва маънавият ривожланганлигидан сўзлайди.

“Бобурнома”да Бобур амакиси Султон Аҳмад Мирзо тўғрисида ёзар экан, Мовароуннаҳр подшоҳининг баҳодирлиги, юксак ҳарбий қобилияти ва мерганлигига алоҳида тўхталади: *“Ўқни бисёр яхши отар эрди. Илбосунга ўқи ва тиргази аксар тегар эди. Қабақни майдоннинг ул боши, бу бошидан кириб аксар урар эрди... Қушчи киши эрди, қуш ҳалаба солур эди, яхши солур эди. Улуғбек мирзодин сўнг онча қушчи подшоҳ йўқ эди”*. Ҳерман Вамбери ҳам тарихларда саркарда Султон Аҳмадга мўғиллар тарафидан “Ўладшо”(Ўлим қотили) унвони берилганлигини ёзар экан, бундан унинг етук ҳарбий ва салоҳиятли кўмондон бўлганлигини билиш мумкин. Дарвоқе, мўғил ҳарбийлари жанглarda ўзининг жасурлиги, ботирлиги ва баҳодирлигини намойиш этиб, ёвни яксон этиб, маҳорабадан қўли баланд ҳолда эсон- омон чиққан Султон Аҳмадга қойил қолиб, унга ушбу унвонни беришган.

Йигирма етти йил Самарқанд тахтига ўтирган Султон Аҳмад Мирзо ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор замонида тинчлик-осойишталик ва фаровонлик ҳукм сурди: *“Самарқанд аҳликим, йигирма – йигирма беш йил Султон Аҳмад Мирзонинг замонида рафоҳият ва фароғат била ўтқариб эрдилар”*, дейди Бобур. Айрим тарихчилар Амир Темур ва Мирзо Улуғбек замонидан сўнг Самарқанд илму маърифат ва маданият чироғи сўнган, дейишади. Агарда ҳақиқатан ҳам рўйи замин сайқалида илму-маърифат нури сўнганида Жомий ва Навоийдек улуғ зотлар Самарқандга илм ўрганиш учун келишармиди? Шуҳрат Сирожиддиновнинг ёзишича, *“15 асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд илм-фан маркази сифатида ўз аҳамиятини йўқотгани борасидаги рус олимларининг таъкидларини баҳс доирасига тортишининг ҳожати йўқ. Чунки бундай қарашлар анча йиллар олдин академик Воҳид Абдуллаев томонидан анча жиддий қораланган ва етарлича далиллар асосида унинг акси исботлаб берилган эди.*

Бу даврда Самарқанд обод диёр бўлиб, Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган жаҳоний илм-фан маркази анъаналари ҳали сўнмаган, исломий илмларнинг алломалари ҳануз ҳанафийлик таълимотини мукамал ўқитиш билан банд эди". Албатта шаҳарнинг гуллаб яшнаши ва ободлигида Бобур тили билан айтганда, *"камсухун ва фақир ва одми"* Султон Аҳмад Мирзо ва авлиёлар султони Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг катта ҳиссаси бўлганлиги шубҳасиз. "Мажолис ун-нафоис"да Султон Аҳмад Мирзо даврида яшаган кўплаб шоирларнинг тавсифланиши Самарқандда ўша даврда нечоғлик маданият тараққий этганини тасдиқлайди. Мисол учун, биргина Мир Қаршийнинг саҳҳофлик дўконида шеърят аҳлининг жам бўлиши, шеърхонликлар ўтказилиши самарқандликларнинг юксак таъби ва маънавиятидан дарак беради. Навоий Мавлоно Юсуф ҳақида ёзар экан, жумладан шундай дейди: *"Фақир(Навоий) таҳсил учун Самарқандга боргонда, ул Андижондин келди ва анда фақир била бўлур эрди. Сигари син жиҳатидин шеърда хомлик бўлса фақир ислоҳ қилур эрдим... Фақирдин ўзга киши анинг шеърда сўз айта олмас эрди"*. Ушбу далилдан ҳам Султон Аҳмад Мирзо даврида Самарқандга илм ўрганиш учун турли юртлардан толиби илмлар келганлиги ойдинлашади. Ҳақиқатан кўплаб талабалар сингари Навоий ҳам Самарқандга келиб, қомусий билимлар соҳиби, иккинчи Ибн Сино лақабини олган Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳузурда илм олиш билан шуғулланган ва худо берган истеъдоди билан устознинг таҳсинию мақтовига сазовор бўлган.

Ҳерман Вамбери Мовароуннаҳр Султон Аҳмад ҳукумати ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор вақтида хийла узоқ вақт тинчлик ва саодатда яшаганлигига урғу берар экан, *"зотан Мирзо Улуғбек, Бойқаро саройи доирасидаги маориф зиёси, гарчи бошқа бир жиҳатга боғланган бўлсада, бу тарафларни, Зарафшон соҳилларини ёритмаслиги мумкин эмасди"*, дейди.

Саройлар, ибодатхоналар, мадрасалар, умумий ҳаммомлар қурилгани ҳақида Султон Аҳмад тарафидан кўрсатилган ибратга мўътабар бойлар орасидан чиққан ташаббускорлар кўшилган. Шулар жумласидан Дарвеш Муҳаммад Тархоннинг Самарқанддаги *"сафолиғ ва ҳаволиқ ва мадди назарлиқ чорбоғи"*ни кўрсатиш мумкин. Нарвонлар билан кўтарилган ва ёнида ғоят гўзал бир

чаманзори бўлган бу саройнинг фавқуллода дилрабо эканини Бобур баён этган.

“Бобурнома”да Султон Аҳмад Мирзонинг мадрасада ўқимаган, содда қилиб айтганда оми ёки саводсиз эканлиги ёзилади: *“Ҳеч нимарса ўқигон эмас эди, оми эди. Бовужудким шахрда улгайиб эди, турк ва содда эди. Табъдин баҳраси йўқ эди. Одил киши эди. Ҳазрат Хожса(Хожса Аҳрор)нинг ҳам аёғлари арода эди. Аксар муҳиммот шаръ тарийқи била файсал топар эди. Аҳд ва қавлига рост ва дуруст эди. Ҳаргиз андин хилофе зоҳир бўлмади”*.

Хаёли ва пок эътиқодли бу кишининг мураббий ва муқаввийси, маслаҳатгўйи, пиру муршиди Хожса Аҳрор Валий эди. Аммо Бобур оми деб тилган олган бу подшоҳни ўраб олган яқин кишилари Хожса Убайдуллоҳ авлиёлар султони, Аҳмад Ҳожибек шоир, Дарвеш Муҳаммад Тархон китобсевар, шахмат устаси ҳамда куш илми билимдони, Сайид Юсуф ўғлоқчи қўбизчи-созанда, Дарвешбекнинг созанда ва шоирлиги ҳайратланарлидир. Негадир, беш вақт намозни тарк этмаган, теварак – атрофини зиёлилар қуршаб олган, Хожса Аҳрор валийдек зотнинг муриди саводсиз бўлганига ишониш қийин. Балки Бобур амакисини мактаб кўрмаганлиги учун шундай хулоса келгандир. Ахир Султон Абусаъиднинг тўнғичи ва валиаҳди Аҳмад Мирзо саройда тажрибали устозлар қўлида ҳам ўқиши мумкин эди-ку?!

“Баланд бўйлуқ, қунқор сақоллиқ, қизил юзлуқ” Султон Аҳмад Мирзо вафотидан сўнг йигирма етти йил “тинчлик ва осойишталик кўрғони” га айланган Мовароуннаҳрда яна тахт таллашишлар, ур –йиқитлар ва урушлар, нотинчликлар авж олди. Подшоҳнинг ишини давом эттирадиган валиаҳдининг йўқлиги осойишта ўлкани таназзулга етаклади.

Тарихий манбаларда Шайбонийхон Султон Аҳмад Мирзонинг навқари бўлганлиги ҳақида маълумотлар учрайди. “Тарихий Рашидий”да куйидаги қайдларни ўқиймиз: *“Шоҳибекхон (Шайбонийхон) тафриқа ва аввора бўлгонидин кейин тўла бечоралик тортиб, ночор Мовароуннаҳрга келди. Шу вақтда Султон Абусаъид мирзонинг ўғли Султон Аҳмад мирзо Мовароуннаҳрга подшоҳ эрди. Ўзлари тўла улуг давлатманд киши эрди. Бу жиҳатидин ҳар тариқалиқ подшоҳ ва беклар бу подшоҳнинг хизматларига роғиб эрди. Бу жумладин Амир Абдулвали*

тархон Бухорои шарифда подшоҳ эрди. Шоҳибекхон уларнинг хизматиға борганда ани мулозимлари қаторида қилиб эрди. Мундин бўлак подшоҳлар ҳам анинг хизматини ихтиёр қилиб эрди. Султон Аҳмад мирзонинг ниҳоят улуглиқини шу ердан қиёс қилгали бўлур, токи Мирзо ҳаёт эрди Шоҳибекхон Амир Абдулали тархоннинг мулозимларининг қаторида турди”. Яъни тарихчи Мирзо Ҳайдар айтмоқчи, Султон Аҳмад вафот этгач, Шайбонийхон янги давлат қуришга фурсат етганини сезиб, Туркистонга кетди ва куч тўплаб, Мовароуннаҳрни эгаллади, Султон Аҳмаднинг тириклигида эса у бунга ботинолмасди. Мирзо Ҳайдар ҳақ, Хондамир ҳам Султон Аҳмад Мирзо кўшинида улуг инсонлар, жумладан Навоий хизмат қилганини ва Амир Султон Ҳасан Арҳангийнинг навқари бўлганини тасдиқлайди: “Бир куни юқори мансабли Амир(Навоий) кўпгина сарой амирлари ҳузурида арз қилиб келган кишиларнинг арзларини тинглаб ўтирганларида, тўсатдан садрлик каби олий мансабга етишган Мавлоно Қутбиддин Хавофий келиб қолди ва ўта безовта бир ҳолда, арз қилиб келган кишилар орасидан жой олди-да, олдин менинг арзимга қулоқ солинг, деди.

Ул олий Ҳазрат ҳол-аҳвол сўраш ва меҳрибончилик кўрсатиш орқали жаноби Мавлавийнинг газабини сўндиришга уриндилар ҳамда уни ўз ёнларига ўтиргизиб, нимадан шикоят қилиб келганини сўрадилар. У шундай жавоб берди:

-Хожса Ҳусайн Кирангий мени қаттиқ ҳақорат қилди. У менга, сен илгари Мавлоно Муҳаммад Муаммоий навқарларидан бири эдинг, деди.

Ул Ҳазрат бу гапни эшитиб, ажабландилар ва кулган ҳолда муборак тилларига қуйидаги сўзларни келтирдилар:

-Бу гапдан ачиқланиш ва даъволашининг нима кераги бор!? Агар ўша Хожсани бу ерга чақириб, уибу даъвони кўриб чиқадиган бўлсак, унинг айтганлари тўғри бўлиб чиқади. Тўғри гапдан хафа бўлиш эса ақлга тўғри келмайдиган ишдир.

Шундан сўнг ул ҳазрат(Навоий)нинг ўзлари ҳам Султон Саъид Мирзо Султон Абусаъид(яъни ўғли Султон Аҳмад Мирзо кўшинида-муаллиф) ҳукмронлиги замонида Амир Султон Ҳасан Арҳангий навқари бўлганликлари сабабли шундай дедилар:

-Илгари Амир Султон Ҳасаннинг навқари бўлган мен(Навоий) эндиликда амирлик каби муҳим мансабга эришганлигимга ва

ноиблик каби юқори лавозимга етишганлигимга қарамасдан, ҳали ҳам у кишининг хизматида бўлишдан ор қилмайман, балки агар имкони бўлса, (у кишига) олдингидан ҳам кўпроқ хизмат қилиб, ўзимнинг у кишининг қуллари жумласидан ҳисоблайман.

У ерда ҳозир бўлганлар бу гапларни эшитиб, ул ҳазратнинг бениҳоя камтарлиги ва хушфеъллигидан ҳайратга тушдилар.

Хўш, Ҳазрат Навоийнинг Султон Аҳмад Мирзо нима алоқаси, бор дейсиз? Навоийшунос Шухрат Сирожиддиновнинг ёзишича, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро саройига чақирилгунга қадар уч султон хизматида бўлади: Абулқосим Бобур, АбуСаъид мирзо ва Султон Аҳмад Мирзолар. Бу даврда етти иқлимга донг таратган Навоийдек ижодкорнинг Хожа Аҳрорнинг муриди бўлмиш Султон Аҳмад ўз саройидаги мажлисларга таклиф этиб, ғазалларига мафтун бўлган бўлса ажаб эмас. Негаки султоннинг пири Хожа Аҳрордек авлиёлар султони Навоийнинг яқин суҳбатдоши, устози ва дўсти ҳисобланган. Айрим навоийшунослар Навоий Самарқандда қийналиб яшаган дейишади. Аммо ўз даврининг қудратли давлатмандлари ва султоннинг яқин кишилари Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон, Амир Аҳмад Ҳожибек ва кутбул авлиё Хожа Убайдуллоҳ Навоийнинг яқин суҳбатдошлари ва дўстлари бўлганлигидек келиб чиқсак, уларнинг мутафаккирни зўрға кун кўрганига индамай қараб туришгани мантиққа тўғри келмайди. Қолаверса “Бобурнома”да яхши инсон сифатида тилга олинган Султон Аҳмад Мирзонинг ўзи ҳам шоирлар султониға ҳомийлик қилгани ҳақиқатдан йироқ эмас. Аммо бу ҳақда ҳеч нарса ёзилмаган. Мирхонд “Равзатус –сафо” асарида ёзади: “Амир Алишер... Хуросондин беҳиштмонанд Самарқандга бориб, Хожа Жалолиддин Фазлулло Абуллайсий хонақоҳида турди ва авқотини(вақтини) аксари китоб мутолаасига масруф тутиб, гоҳо Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибек билаким, Мовароуннаҳрнинг соҳиб ихтиёри(ҳукмдорлари) эрдилар, ихтилод этти(бирга бўлди). То бу айёмдаким, мирзо Султон Аҳмад(Мовароуннаҳр ҳокими) ҳоқони мансурнинг(Султон Ҳусайн) Хуросонга юруш қилғони учун, Аму суйидин убур кўрғузди(ўтди), Амир Алишер доғи ўрду (қўшин) билан сафар оҳангин тузди”. Навоий Султон Аҳмад Хуросонга юриш қилиш мақсадида Амударёдан ўтганда, у билан бирга эдики, Абусаъид Мирзонинг

вафоти тўғрисидаги хабар етиб келиши билан ҳукмдордан рухсат олиб, Ҳирот томон йўл олади.

АМИР АҲМАД ҲОЖИБЕК ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Жаҳон адабиётшунослиги тарихида муайян миллат маънавий меросига, илм-фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган адабий жараёнларни ўрганиш адабиётшуносликнинг адабий-эстетик категорияси сифатида ўзига хос илмий-назарий аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида адабий жараёнлар, адабий муҳитлар, сарой адабиёти вакиллари меросини тадқиқ этиш юзасидан олиб борилаётган изланишлар фан тарихи асосида унинг назарияси тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган Янги Ўзбекистонда дунё адабиётшунослигида юзага келган илғор методологик усуллар асосида миллий адабиётимиз мезонларининг янгича тамойилларини шакллантириш, ўзбек мумтоз адабиёти тарихида сарой адабиёти ва адабий мажлисларнинг тадқиқ этиш ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Тарихдан маълумки, ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган, Хожа Аҳрор Валийнинг *“бир кечая кундуз адабий базм қурадиган”* муриди Султон Аҳмад Мирзонинг атрофидаги амалдорлар, беклар ҳам маърифатли инсонлар бўлишган. “Бобурнома”да ёзилишича, Абдулали Тархон султонларга хос бадиий базмлар ўтказган. Улуғ зотлар билан мулоқотлар қилишни хуш кўрадиган Дарвеш Муҳаммад Тархон эса ўз қароргоҳида доим Қуръони Карим кўчириб ўтирган. Аҳли айёндан Дарвешбек соз чалган ва шеър айтган. Мамлакатда катта мавқега эга бўлган, нуфузли амалдорлардан ҳисобланган Аҳмад Ҳожибек ўз вақтини маърифийли суҳбатлар, адабий базмлар ва шеърят кечалари ташкил этишга сарфлаган. У ҳам авлиёлар султонининг муриди ҳисобланган. Фахрий Ҳиравий ҳам Аҳмад Ҳожибек бутун умрини айшда-базму жамшид билан ўтказганини айтган.

Алишер Навоий асарларида Аҳмад Ҳожибек (XV аср) номи катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Шоир бек ҳақида шундай ёзган: *“Султон Малик Кошғарийнингким, замонининг*

бебадалларидин эрди, ўглидур. Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур". Таниқли давлат арбоби, саркарда ва шоир Аҳмад Ҳожибек Султон Абусаъид Хуросонни эгаллагач, Ҳиротга ҳоким этиб тайинланади ва у ўн йил давомида бу шаҳарни бошқаради. Султон Абусаъиднинг Самарқанддаги ноиби Жонибек Дўлдой (Аҳмад Ҳожибек Дўлдойнинг амакиси) вафот этгандан сўнг, Аҳмад Ҳожибек унинг ўрнига тайинланади. Академик Воҳид Абдуллаевнинг ёзишича, *"Гарчи Амир Дарвеш Муҳаммад ҳамда Аҳмад Ҳожибеклар маъмурий жиҳатдан Хуросон ҳокими Султон Абусаъидга итоатда бўлсалар-да, аслида улар, айниқса, Аҳмад Ҳожибек Улуғбек анъаналарига эътибор бериш, фан ва адабиёт аҳлларига ҳайрихоҳлик кўрсатишида диққатга сазовор фазилатларга эга эди"*. Султон Абусаъид 1469 йилда ҳалок бўлгандан сўнг Аҳмад Ҳожибек унинг тўнғич ўғли Султон Аҳмад Мирзонинг улуғбекларидан ва лашкарбошиларидан бири сифатида фаолият кўрсатган ва Мовароуннаҳр сиёсий ҳаётида катта мавқега эга бўлган: *"Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди. Ва бир қарн бўла бордиким, истиқлол била аморат ва истиқрор била подшоҳга наёбат қиладурким, ҳеч киши андин бир номулойим нимаким, мужиби эътироз бўла олғай, нақл қилмайдур. Бовужуди бу Бекнинг сипоҳийликда жалодат ва баҳодурлугин ҳар кишиким танир, мусаллам тутар"*.⁴³

Аҳмад Ҳожибек ўз даврида маърифатпарвар ва инсонпарвар ҳоким сифатида ном қозонган. Илм, маданият ва адабиёт ривожини учун жон куйдирган, илму адаб ва ҳунар аҳлини қўллаб-қувватлаган. Ҳиротдалигида Абусаъид Мирзо тарихини ёзаётган Мавлоно Абдусамад Бадахший ва Султоннинг хос мулозими Шайхим Суҳайлий воситасида Аҳмад Ҳожибек билан яқин алоқа ўрнатган Навоий ўша пайтда пойтахтда ўзига нисбатан бўлган эътибордан кўнгли тўлмай, бирор ёққа бош олиб кетиш қарорига келганида, айнан уни орқа қилиб, Самарқандга йўл олган. Аҳмад Ҳожибек Самарқандда Навоийнинг илм олиши ва яшаши учун барча шароитни яратиб беради, *"мураббийлик ва муқаввийлик қилиб"*, моддий ва маънавий жиҳатдан ҳамиша қўллаб –

⁴³ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.156.

қувватлайди. Умид Бекмуҳаммад ҳам Навоийнинг Самарқандга етаклаган сабаблардан бири илгари Ҳиротда ўн йил ҳокимлик қилган, айнаи вақтда Мовароуннаҳр пойтахтида ҳукм юритиб келаётган Аҳмад Ҳожибек ҳузурига бориш бўлган [Бекмуҳаммад, 2011: 14], деган. Аҳмад Аъзам ҳам Умид Бекмуҳаммад билан муштарак фикр билдирган: *“Амир Аҳмад Ҳожибек Ҳирот доругаси (бошқарувчиси) бўлган даврда Навоий билан учрашгани ҳақида тарихий маълумот бор. У (ўн-ўн икки ёшида етти иқлимда машҳур бўлган) ёш Навоийнинг истеъдоди тўғрисида хабардор бўлган. Навоийнинг отаси билан танишлиги ҳам ҳақиқатга яқин... Навоий айнан уни қора қилиб, Самарқандга келган бўлиши ҳам истисно эмас. Нима бўлганда ҳам Аҳмад Ҳожибек Навоийни бенаволикдан қутқарганига шубҳа йўқ [Аъзам А, 2021:7]”*. Бинобарин, бек Навоийни Самарқандда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Адабиётшунос Буробия Ражабова *““Бобурнома”да мураббий ва муқаввийлик талқини”* мақоласида ёзишича, *“Мемуар (“Бобурнома”)да мураббий ва муқаввий бирикмаси Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекка нисбатан қўлланган маълумотда “Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввий эди”, деб фозил ҳоким ўзининг мураббий ва муқаввийлигини фақат Самарқандда Алишер Навоийга кўрсатгани айтилган, аммо асарда муаллиф уни темурийлар Уйғониш даврининг мураббий ва муқаввий ҳокими сифатида ҳам таништирганини яққол сезиш мумкин”*. Ҳақиқатан, Аҳмад Ҳожибек ўз даврида мумтоз адабиётимиз равнақи ҳамда Навоийдек буюк шоир камолотига катта ҳисса қўшган, дейиш мумкин. Ботирхон Валихўжаев *“Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари”* номли мақоласида ёзишича, *“Маълумки, Навоийнинг мураббийси ва ҳомийси Аҳмад Ҳожибек Самарқанд ҳокими бўлиши билан бирга Вафой тахаллуси билан шеър битган, ҳатто девон ҳам тузган эди. Шунинг натижасида Вафой мушоираларда қатнашарди, шоирлар эса унинг шеърларига тазмин ва назиралар ёзардилар. Ана шундай шоирлардан бири Алишер Навоий эди. Унинг “Девони Фоний”сига киритилган қуйидаги матлаъли газали Амир Аҳмад Ҳожибек Вафой газалига назира ва татаббуъ тарзида ёзилгани алоҳида таъкидланган:*

*Дилам бурди ба рух чун парда бо сад макру фан басти,
Чу дўздон гоҳе қасди нақд рӯи хештан басти.*

(Мазмуни: Ўғрилар ўғрилиқка чиққанда юзларини ёнганларидек, сен ҳам кўп ҳийла-найранг била юзингни парда билан бекитиб, кўнглимни ўғирладинг.)

Алишер Навоийнинг Самарқандда ёзилган, қуйидаги шеъри ҳам Амир Вафоийнинг машҳур ғазалига пайравдир:

*Ҳаст рӯи гули холи лабат болои ў,
Чун ҳарири ол к-аз анбар бувад тамғои ў.*

Аҳмад Ҳожибекнинг Самарқанддаги даргоҳида ўтказилган базму жамшид, зиёфатлари адабий мажлис кўринишида бўлиб, унда қасидалар, ғазаллар, бадихалар, пайравлар ўқилиб, мушоиралар олиб борилган. Мутрибийнинг ёзишича, Самарқанд шоирларидан Хотамийнинг “улуғ, мукаррам амир ва олимлар мураббийси, фозиллар ҳомийси, Ҳассон (машҳур араб шоири) баёнли, замон Салмон (форс шоири)и, бениёз тангри назари воситасида одамларга манзур бўлган Амир Шужоъ уд-давлата вад-дин Аҳмад Ҳожибек” мадҳидаги “Дорам рухе ба зардий чун зар ба кор, ёрам (Юзим сариқлик-ла тиллодек ярар ишга, ёрим), мисраси билан бошланувчи ғазали ва қуйидаги қитъаси амалдорнинг адабий мажлисларида ўқилган:

*Мири арбоби мурувват ба сахо,
Дидайи аҳли маоний ба сухан.
Бод нав бардаи бораи, анжум,
Аз сар дид дар ин дайри куҳан.*

(Мазмуни: Саховатда мурувват аҳлининг амири, Сўзда маоний аҳлининг кўрар кўзи. Саройи қули янгилашиб, кўринсин, Юлдуз янги бошдан бу эски жаҳонда.)

Алишер Навоий Самарқанд шаҳрида бўлган пайтда дўсти Шайхим Суҳайлий билан биргаликда Аҳмад Ҳожибек адабий кечаларида иштирок этган. Бобурнинг ёзишича, “Мир Алишер Навоий Ҳиротдан Самарқандга келган пайтлари Аҳмад Ҳожибек билан бирга бўлар эди”. Демак, юқорида таъкидланганидек, Навоий Аҳмад Ҳожибекнинг “яқин суҳбатдоши” сифатида бекнинг шеърий кечаларида мунтазам қатнашиб, ўз ғазалларини ўқиган. Навоий Аҳмад Ҳожибек билан суҳбат кургани – адабий кечаларида иштирок этгани ҳақида Мирхонд ҳам “Равзат ус-сафо”да ёзиб

қолдирган: “Хуросондан Самарқандга кетиб, Хожжа Жалолиддин Фазлуллоҳ (Абуллайсий) хонақосида яшади. Асосий вақтини мутолаа билан ўтказди. Гоҳида Мовароуннаҳр давлати ишларининг соҳибихтиёри Амир Дарвеш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибек билан суҳбат қуларди. Бу ҳаёт иунгача давом эттики, Мирзо Султон Аҳмад Ҳусайн Мирзога қарши Амудан кечиб, Хуросонга юриш қилганда, Амир Алишер ҳам унинг ўрдусида эди. Абу Саъид Мирзо ўлими воқеаси ва Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни истило этганлиги ҳақидаги хабар аниқланган сўнг Аҳмад Ҳожибекдан рухсат олиб, Ҳиротга юзланди”.

Чунончи, Аҳмад Ҳожибек ўз даврининг машҳур шоирларидан бири бўлган: “Аҳмад Ҳожибек хуштабъ ва мардона киши эди. “Вафоий” тахаллуси бор эди. Девон тартиб берган, шеъри ёмон эмас эди, бу байт уникидир:

***Мастам, эй муҳтасиб, имрўз зи ман даст бидор,
Эҳтисобам бикун, он рўз ки ёби ҳушёр.***

(Мазмуни: Қилма безовта мени, эй муҳтасиб, мастман бугун, Истаганча қил сўроқ топган кунинг ҳушёр мени.)

Алишер Навоий ҳам унинг шеърий истеъдодини юқори баҳолаб, “Мажолис ун-нафоис”да “табъи бағоят хуб воқеъ бўлубтур ва назмга кўп илтифот қилур”⁴⁴, деган. Демак, Навоий ва унинг замондошлари қайдларига асосланиб айтишимиз мумкинки, Вафоий ижодидан келтирилган куйидаги байт билан бошланувчи ғазал ҳам адабий йиғинларда ўқилган, бўлиши мумкин:

***Гирифтӣ жони ман аз тан ба зулфи нуришкан бастӣ,
Кушодӣ парда аз рухсори хешу чашми ман бастӣ.***⁴⁵

(Мазмуни: Танимдан жонимни олиб кўп занжирли сочинг билан боғладинг, Юзингдан пардани очиб (у билан) кўзимни боғладинг.)

Ушбу кўшмисрада муболағанинг ақл ишонадиган ва ҳаётда юз берадиган тури – таблиғ (юздаги парда билан кўзни боғлаш) ҳамда ақлга сиғмайдиган ва ҳаётда сира учрамайдиган тури –ғулуъ (тандан жонни олиб, занжирли соч билан боғлаш) санъатларининг қўлланилганлиги Аҳмад Ҳожибекнинг юксак шоирона маҳоратга эга бўлганлигидан дололат беради [Султонов, 2017: 65].

⁴⁴ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.156.

⁴⁵ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т.: Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.156.

Навоийнинг Аҳмад Ҳожибекка меҳр ва ихлоси шу қадар баланд бўлганки, Ҳиротда Вафой тахаллуси билан шеър ёза бошлаган бир ижодкорни у Султон Бадиуззамон Мирзонинг сарой шоири бўлгани боис ўз тахаллусини Замонийга ўзгартиришга ундаган, Аҳмад Ҳожибек қаламига мансуб ажойиб шеърларни ўз номига ўтказиб юбормаслиги ҳақида огоҳлантирган.

Навоий “Соқийнома”да Аҳмад Ҳожибекни зикр этиб, Вафой тахаллуси билан машҳур бўлган бек шоирни вафо ичра сафо топган, яъни ҳаёт мазмунини вафода деб билган зот, деган.

Мухтасар қилиб айтганда, Аҳмад Ҳожибек хузуридаги адабий мажлислар ўз даври шоирлари камолоти ва мумтоз адабиёт тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Айрим навоийшунослар айтганидек тахминан 1464-1469 йилларда Самарқандда бўлган Алишер Навоий ҳам мазкур шеърят кечаларидан завқ ва илҳом олган, бўлиши мумкин. Албатта, Аҳмад Ҳожибек адабий мажлисларида Навоий иштироки ҳамда шоирлар султони дунёқараши такомилида унинг хузуридаги шеърят кечаларининг таъсири масаласини тадқиқ этиш навоийшунослик илмининг янги маълумотлар бойишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

НАВОИЙ САМАРҚАНДГА ҚАЧОН БОРГАН?

Бадахшон шоҳлари Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳокимиятни тан олиб, уларнинг номидан давлатни идора қилганлар. Бироқ, кейинчалик мустақилликка интилганликлари учун Султон Абусаъид Шоҳ Муҳаммад Султон ва унинг ўғлини қатл этади. Шоҳ Лаълий қатлга қадар Ҳиротда ушлаб турилган. Ўша вақтда у Алишер Навоий билан танишган ва яқинлашган.⁴⁶ Аммо, Бертельсга кўра эса, *“Ўша даврларда Ҳиротда Бадахшондан келганлар ҳам яшарди. Улардан бири – Абдусамад Бадахшонийга Абусаъид тарихини шеър билан ёзиш топширилади. Мазкур тарих билан танишган Алишер (Навоий) ўзининг газалларидан бирида у вазн билан боғлиқ хатога йўл қўйганини кўрсатади ва мулоқот уларни яқинлаштиради. Алишер (Навоий) Абдусамад (Бадахший) орқали илгари Бадахшонда ҳукмронлик қилган сулоланинг шеърят ихлосмандлари бўлган ва ўзлари ҳам шеърлар битган вакиллари*

⁴⁶ Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.578.

Лаъли ва Ибн Лаъли билан танишади. 1466-67 йилларда улар Абусаидга қарши исён кўтарадилар ва Бадахшон ҳокимиятини эгаллайдилар. Абусаид бу вилоятни қайтадан ишғол қилишига тўғри келади. Собиқ сулоланинг барча вакиллари асрга олинади ва қатл этилади.

Шундай қилиб, Алишер (Навоий) хавф остида қолади ва Ҳиротни ташлаб кетишига мажбур бўлади. У Самарқандга жўнаб кетади”.⁴⁷ Демак, Бертельс фикридан шундай хулоса чиқадики, Навоийнинг Самарқандга кетишининг асосий сабабларидан бири шоир ва Бадахшон шоҳи Султон Муҳаммад ўртасидаги қалин ва илиқ муносабатлар бўлган. Афтидан, Султон Абусаид Бадахшон шоҳи Султон Муҳаммаднинг дўстларидан бўлган Навоий сиймосида ўзининг душманини кўриб, уни Самарқандга юборган кўринади. Назаримизда, Бобур билмаган Навоийнинг Самарқандга “ихрож” бўлиш сабабларидан бири ҳам шу бўлса керак. Давлатшоҳ Самарқандий Ҳиротда шоҳнинг қатл санани 1467 йил деб келтиради: “Аммо Бадахшон подшолари қадимий сулола ва карамли шоҳлардан эдилар. Баъзи (олимлар) улар насабини Зулқайнайн номи билан машҳур Искандар Файлақусга боғлайдилар. Улар Эрону Турон подшолари замонида ҳамиша ҳурмат ва эҳтиромда эдилар. Подшолар Бадахшонга тегмас, уларнинг тараддуд ва мулозаматлари билан қаноатланардилар. Бу ҳол узоқ замонларда ўтган подшолар давридан давом этиб келган. Бахтиёр хоқон Абусаид Султон Бадахшон вилоятининг латофату об-ҳавоси яхшилигини эшитиб, ўз тасарруфига киритмоққа қарор қилди. Бегуноҳ шоҳларни қириб ташлашга бел боғлаб, лашкар тортди ва ўша мамлакатни фатҳ этди. (Сўнг) Султон Муҳаммадшоҳ ва унинг авлоди ҳамда қариндош-уруғларини ўлдиришига буюрди. 1467 (Ҳижрий 871) йили ўша мазлум шоҳлар Султон Абусаид амри билан шаҳид этилдилар. Соҳибкарам шоҳларнинг қадимий хонадони вайрон бўлиб, уларнинг насли узилиб қолди. Ўша муборак хонадонга қилинган қасд Султон Абусаидга бахт келтирмади. Орадан кўп ўтмай, уларга бир қултум (заҳар) ичирган идишдан ўзи ҳам нўш этди”.⁴⁸ Бундан чиқди, Навоий Бадахшон шоҳи шаҳид этилгач, шоир айрим адабиётшунослар айтганидек, 1465 йилда эмас, балки

⁴⁷ Бертельс Е. Навоий. Т.: Тафаккур қаноти, 2015.-Б.114-115.

⁴⁸ Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (“Тазкират уш-шуаро”дан).Т.: Ф.Фулом номидаги АСН, 1981.- Б.178-179.

1467 йилда Самарқанд шаҳрига кетган. Кейинчалик эса Навоий Шайх Садруддин Равосийнинг муриди - Лаълий тахаллусли шoҳни “хуштабъ ва мусулмонваш киши” бўлганини тазкирасида қайд этган⁴⁹

ФАҚИР АҲЛИ ПЕШВОЛАРИ

Навоий йирик мулкдор бўла туриб, ўзини фақир ёки ҳақир ҳисоблаган. Ҳазратнинг ҳар бир асарида кўплаб камтарлик билан айтилган “фақир айттимки”, “бу фақир алар хизматида”, “фақир ҳақир Навоий лақабли Алишер”, “хоксор”, “қул”, “заиф”, “нотавон”, “банда” сўзларига рубарў бўласиз. Навоий мулкдор, пулдор ва етти иқлимда машҳур, қудратли шахс бўлса-да, ҳеч қачон манманлик отига минмаган. Нажмиддин Комилов “Тасаввуф” китобида Хoжа Аҳрор ҳақида худди шундай фикрларни келтиради: *“Ҳазрати Хoжа Аҳрор Валий шунча еру мулклари бўлса-да, аммо ўзларини фақир ҳақир ҳисоблаганлар. Чунки барча бойликларини бошқаларнинг манфаати ва эҳтиёжига сарфладилар, шундан шоду хуррам эдилар. Умаршайх Мирзо Тошканднинг бир йиллик хирожини талаб қилиб, лашкар тортиб келганда, шаҳар аҳолиси қашшоқликдан бу маблағни (250 минг динор) тўлолмади. Шунда Хoжа Аҳрор Валий бу маблағни Умаршайхга бериб, шаҳар аҳолисини ташвишдан халос этишдан ташқари, яна тошкандликларга 70 минг динор тухфа этди. Халқ қишдан эсон-омон чиқсин, деб шундай қилдилар. Хoжа Аҳрор Валий қурдирган мадраса ва хонақоҳларнинг сони йигирмадан ортиқ, вақфнома дафтаридаги мол-мулкларнинг сони 254 тани ташкил этади. “Бизнинг ёрларимиз биз тирикликимизда ҳимоямизда эдилар, ўлганимиздан кейин ҳам ҳимоямизда бўлсинлар”, - деб айтдилар. Аларнинг моллари батамом фақирлар учун сарф бўларди”, - деб ёзади Ҳазрат Жомий “Нафаҳот ул- унс”да. Хoжа Аҳрор сахийликларининг чегараси йўқ эди. Умрларининг охирида Тошкандга келганларида Туркистондан кўплаб очлар оқиб келаётганини эшитадилар, чунки Туркистонда қаҳатчилик бошланган эди. Шунда хизматкорларига ҳар кун ўнта қозон қуриб,*

⁴⁹ Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Т.: Бадиий адабиёт, 1966.-Б.43.

кераклича мол ва қўй сўйиб, туркистонлик очларни боқишни буюрадилар”.

Абдурахмон Жомий “Футухат уш шабоб” девонига кирган “Дар маъни фақр аст ва дуои хожа” (“Фақир маъносидадир ва Хожа Убайдуллоҳ дуосида”) номли қасидасида ҳам “Хожа Аҳрор Валийни фақир аҳлининг пешвоси”, - дейди. Тарихий ҳужжатлар ва халқ орасида тарқалиб етиб келган ривоятларга қараганда, Хожа Аҳрорнинг мол-мулки жуда кўп бўлган. Унда Жомий таърифни қандай тушуниш мумкин? “Фақир” сўзини Хожа Аҳрорга ишлатса бўладими?

Афтидан, Абдурахмон Жомий Хожа Аҳрори Валийни фақиру фано аҳли қаторига қўшганда у кишининг шахсий фазилати, хулқи ва турмуш тарзини, сўфиёна ҳаётию таърифатли қалбини назарда тутган. Чунки Хожа Аҳрор, гарчи ҳисобсиз бойликка эга бўлса ҳам, ўзи фақирона ҳаёт кечирган, унинг бойликлари эса қашшоқларни боқиш, муҳтожларга қарашиш учун сарфланган. Хожа Аҳрор бойлиги халқ бойлиги бўлиб қолган. Бундан ташқари, Хожа Аҳрор Самарқанд мадрасаларида таълим олаётган талабалар маошини таъминлаш, хонақоҳ, работлар қуришига ҳам маблағини сарфлагани маълум. Унинг ўзи эса ҳамма вақт дарвешлар қуришотида зикр билан кун ўтказган, сўфиёна суҳбатлар қизитган. Албатта, Хожа Аҳрорнинг дунёвий илмлар ривожига тўсқинлик қилгани ҳам ҳақиқат. Зеро, тасаввуфнинг ўзи оламни мантиқий, ақлий билимлар орқали ўрганишни тўғри, деб билмайди, чунки бу таълимотга кўра, олам сиру асрори илоҳий сиру асрор ва уни фақат интуиция, қалб билан идрок этиш мумкин. Бироқ шунга қарамай, Хожа Аҳрорнинг Мовароуннаҳрда тасаввуфни ёйишдаги хизмати кам эмас, у кишининг ўзи эса қалбдан дарвеш бўлгани аниқ. Жомий ҳам “фақир” деганда кўнгилнинг Илоҳдан бошқага қаратилмаганини англайди”.⁵⁰

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам худди Хожа Аҳрордек йўл тутганки, Ҳирот шаҳрида очлар, мискину камбағалларни дошқозонларда таом пиширтириб, қорини тўйғизган ва уларга кийим-кечак улашган. Хондамирнинг ёзишича, “...Каромат эгаси бўлган бу Амир (давлат ишидаги) мансаб ва лавозимда ишлаб юрган чоғлари қашшоқлар ва дарвешларга моддий ёрдам бериш

⁵⁰ Комилов. Н. “Тасаввуф. Биринчи китоб”. Т. “Ёзувчи”. 1996 й. 188-189-б.

ҳамда (бошқа юртлардан келган) мусофирлар учун қулайликлар яратиш мақсадида Хуросон мамлакатининг турли жойларида (Ҳирот, Марв, Машиҳад, Нишонур, Астрабод) (ўз ҳисобидан) кўплаб масжидлар, хонақоҳлар, работлар, ҳовузлар, кўприклар ва ҳаммомлар қурганлар”. Таҳлилларимиздан шу нарса маълум бўладики, Ҳазрат Навоий Хожаи Эшондан ҳар томонлама ўрнак олган, аниқроғи, у Мовароуннаҳрда амалга оширган хайрли ишларни шоирлар султони Хуросонда давом эттирган, унга эргашган.

Навоий ҳам, Ҳожа Аҳрор ҳам ўз маблағларини диний ишларга – худо йўлига сарф қилганлар.

ҚАДАМИ ҚУТЛУҒ, БАРАКАЛИ ЗОТЛАР

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да бу барокотли зотнинг “барокотидан” бошланган ҳар бир иш хайрли бўлишига урғу берган. Дарҳақиқат, авлиёлар сардори ҳаётлигида (ҳатто вафотидан сўнг ҳам) ўз яқинлари, муридлари, дўстларини ғойибан ҳар доим қўллаб-қувватлаб келган, ўз ҳимоясига олган. Навоий Ҳазратнинг барокотидан умидвор бўлганида ана шуни назарда тутди.

Бу азизларнинг ҳақу ҳурмати ва “баракот”и то қиёматга қадар миллатга соябон бўлади, ихлосмандларининг ишлари юришиб кетади, мурудлари эса ҳосил бўлади, ҳар қандай мушкул ҳал қилинади. “Насойим ул-муҳаббат” ибораси билан айтганда, “...ваъда будурким, олам инқирозизгачаким, миллат ва шарият сироти мустақим бўлгусидур, бу тоифаким, валоят (валийлик) ва каромат аҳлидурлар ва халойиқга иршод ва аҳдо қилурлар, муборак зотларнинг барокоти бу миллат бошидан кам бўлмағай”.

Бобур Мирзо ўғли Комронга йўллаган мактубида унинг муваффақияти, қозонилган ғалабаларни Хожа Убайдуллоҳнинг азиз номи яъни “барокоти” билан боғлайди: “Тахсис (хусусан) ул қурси шабистонининг шамъи анваридур, аё гулистонининг андалиби суханвари ҳазрат Хожа Убайдуллоҳким, имдод (мадад) қилибтурлар, то зоят бу ишларни(нг) давлати ул азизларнинг ҳимматидиндир”.

“ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ ҚУТҚАРИШ УЧУН ЮБОРДИЛАР...”

Қачон юбордилар, деган ҳақли савол туғилади? Ваҳолонки, вафотидан сўнг ҳам бу табаррук зот ўзи айтганидек муридларига мададкор бўлди. Дарҳақиқат, ҳазрат Хожа Убайдулло Аҳрор вафот этиб кетган бўлса-да, унга ихлоси ва эътиқоди кучли Бобур Мирзони бир умр бало-қазолардан ҳимоя қилди. Кунлардан бирида Бобуршоҳ туш кўради. *“Ўзимни ўлимга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вазу қилдим, икки ракаат намоз ўқидум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзим уйқуга борибтур. Кўрадурменки, Хожа Яқуб Хожа Яҳъёнинг ўгли Хожа Убайдулло (Хўжа Аҳрор Валий)нинг набиралари рўбарўйимга аблоқ от миниб, кўп жамоати аблоқ сувори билан келдилар. Дедиларким, гам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга йибордилар. Дедиларким, биз аларга истионат тегуруб, подшоҳлик маснадига ўлтургузуббиз. Ҳар ерда мушкул иш тушса, бизни назарига келтуруб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатх ва нусрат сизнинг соридир. Бош кўтаринг, уйғонинг”. Шоҳ уйғониб қараса нобакор беклар уни тутиб, боғлаш пайида тил бириктиришаётган экан. Ўрнидан шартта турган Бобуршоҳ дейди: “Сизлар бу йусунлуқ сўзларсиз, аммо кўрайинки қайсингиз менинг қошимга кела олурсиз?”* Аммо шу пайт Қутлуқ Муҳаммад Барлос ўз аскарлари билан Бобуршоҳга мадад беришга етиб келади ва хоинлар қўлга олинади. Халоскор Қутлуқ Муҳаммад Барлоснинг ҳам тушига Хўжа Аҳрор Валий кирганлиги ва бу ерга қутқариш учун юборганлигини айтади.

“Бобурнома” (1500 – 1501 йил воқеалари)да яна бир туш воқеаси зикр этилади: *“Ўшал фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, Ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олига бетакаллуфроқ дастурхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат Хожанинг хотирига нима келмиш. Мулло Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо билан дедимким, мендин эмастур. Дастурхон солгувчи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушди. Кўптилар (турдилар). Узата чиқтим. Ушбу уйнинг*

долонида ўнг қўлимдин ё сўл қўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин қўпти. Туркий дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ўшул неча кунда ўқ Самарқандни олдим”. Хожа Убайдуллонинг Бобуршоҳнинг кўтариши кўп ўтмай Самарқандни Шайбонийхондан тортиб олиншига, азизлар темурийзодани доимо қўллаб- қувватлаётганига ишора эди. Албатта, бу “сирли” туш воқеалари Бобур Мирзонинг улуғ нақшбандия пири Хожаи Эшон ҳар доим қўллаганини, асраганини англатади.

Яна бир сирли воқеа диққатимизни тортади. Бир куни Бобур оғир иситма дардига дучор бўлади. Касалликдан қутулишни ўйлаб, ўзининг руҳий мададкори, пири – Хожа Аҳроп Валийнинг “Рисолаи волидия” асарини шеърӣ йўл билан форсчадан туркий тилга ўгиришни ният қилади. Асар таржима қилиб бўлингач эса, темурийзода дарддан буткул фориғ бўлади. “Тенгри инояти била ҳазратнинг ҳимматидан, панжшанба куни ойнинг йигирма тўққизидан андаке афсурда бўлди, ўзга бу аризададин (касалдан) халос бўлдум”. Мана сизга пирлар пирининг ғайриоддий кароматидан яққол намуна.

“РУҲИМДАН МАДАД ТОПГАЙСАН...”

Ҳасанхожа Нисорий “Музаккари аҳбоб” тазкирасида тушида Алишер Навоийни кўрганини ҳикоя қилади: “Воқеа (туш)да Ҳазрати Мир муаллиф (Нисорий)дан: “Бизнинг аъшоримиздан бирон нарса ёд билурмисан?” – деб сўрадилар. Фақир (Нисорий) аларнинг ушбу шариф мактаъсини ўқидим. Мактаъ:

***Эй Навоий, сен киму меҳробу масжид истамак,
Қайдаким, хўблар оёғин қўйса сен бошингга қўй.***

Илтифот қилиб, бу камина ҳаққига ушбу матлаъни ўқидилар. Матлаъ (Таржимаси):

***Бирон ишда кимдандир халал етса,
Менинг жонбахш руҳимдан мадад топгайсан”.***

Демак, бундан хулосаки, гарчи улуғ авлиёлар дунёдан ўтсаларда уларга эргашган кишиларни ғойибнинг қўли билан қўллайдилар. Юқоридаги воқеадан Навоийга эргашиб, тазкира яратган Нисорий ҳам “Авлиёлар авлиёси”нинг назарида эканлиги, керак бўлса, қўллаб–қувватланиши ойдинлашади.

БОШҚА ҚИЁФАГА КИРГАН АВЛИЁ

“Тарихи Рашидий”да ёзилишича, “Ҳазрати Мавлоно Жомий”Нафоҳат ул-унс”нинг бир ерида келтирубдурларки, Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ қадда саллоҳ ул азиз бу фақир (Жомий)га ўзининг Хуросондин Ҳисорға келганларини ҳикоя қилдилар. Ва айттиларки, вақтеки Ҳазрати Мавлоно Ёқубнинг мулозаматиға Ҳисорнинг тобеи Ялафтуға дохил бўлдим, аввалки мартабада хизматлариға мушарраф бўлдум. Ниҳояти дуруштлуқ (қўполлик) бирла чиқди ул мартабадаки ботиним (узулиш) мунқатеъ бўлғай. Аммо тааммул қилдим ва айттимки, йироқ йўллардин меҳнат билан бузрукворнинг хизматлариға келдим. Бу дуруштлиқнинг сабаби бордур. Чағониёнда баъзи бадандеша одамлар бор, нолойиқ сўзлар айтибдур бўлғай. Эҳтимол эшитган бўлсалар, ул сўзлар сабаб бўлғон бўлса деб. Ушбу хаёлда эрдимки, Ҳазрати мавлоно чиқдилар...

...Вақтеки сўз шу ерга етганида Ҳазрати Хожа менинг назарим (Жомий)да Мавлоно Саъдуддин (Қошғарий)нинг суратларида зоҳир бўлди. Мавлоно Саъдуддин менинг пирим эрди ва муддате бўлиб эрдик, оламдин интиқом (казо) қилиб эрдилар. Бу мушоҳададин манга ажойиб ҳолате даст берди”. Аниқроқ қилиб айтсак, Хожа Аҳрор Абдурахмон Жомийни ҳайратга солиб, оламдан ўтган пири ва муршиди Саъдуддин Қошғарий қиёфасида намоён бўлади. Яъни, ўлган мўътабар зот сониялар давомида муриди ва шогирди кўз ўнгида тирик ҳолатда гавдаланади. Зотан, бундай каромат кўрсатиш, *“хориқуллода хислатларни намоён этиши тасаввуф шайхларининг муҳим жиҳати ҳисобланган. Тасаввуфнинг сирлилиги гайб олами билан алоқадорлиги ҳам шундандир”*.⁵¹ Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Хожа Аҳрор сингари “турли суратда кўриниш”ни авлиёларда зоҳир бўладиган ғайритабиий одатлар ва кароматлар сирасига кўшади.

⁵¹Комилов Н. “Тасаввуф. Биринчи китоб”. Т. “Ёзувчи”. 1996 й. 61-б.

УРУШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИБ

Хожа Аҳрор аразлашган ва урушишга қасд қилган султонларни яраштириб, қон тўкилишларнинг олдини олган. “Тарихи Рашидий”да ёзилади: “...Ул зимистон Сайрам бўлиб, ўзининг (Юнусхон) чўнг ўғли Султон Маҳмудхонни ўттуз минг киши бирла Султон Аҳмад Мирзонинг муқоталасига юборди, етиб келиб жанги азим пайдо қилдилар. Вақтики бу хабар Ҳазрати қутби доираи иршод, маҳбуби Ҳазрати Илаҳ Хожа Носириддин Убайдуллоҳга етти, улар киши юбордиларки, бизлар ҳам борамиз, деб. Ондин бу хабар уч султонга етти. Ҳамма ўз жойларида турдилар. Вақтеки, Ҳазрати Эшон етиб келиб, Мирзо Султон Аҳмад лашкарига тушдилар. Ва хон (Юнусхон) ва Умар Шайх Мирзо анинг олдига киши юбордилар, сулҳга турдилар. Ва уларнинг муборак нафасларини ҳеч киши рад қилолмади, анинг учунки, аҳлуллоҳга фано даст бериб ўзлукидин чиқибдурлар, ҳар нарсаки улардин вужудга келса, ани қилғучи ҳақиқатда Ҳақ таоло ўзи бўлғай. Қандоқ кишики Ҳақ таолога саркашлик қилмоқга мажол бўлғай, ҳосил улки, бу уч подшоҳки ҳар қайсиси ўз мақсудининг пайида лашкар рост қилибдурлар, ул Ҳазрат келиб ҳаммаларига таскин берди. Бу уч подшоҳни ўлтурғузуб ҳар бирига аҳд ва шарт буюрдиларки, қилдилар. Тошкандни Юнусхонга бердилар. Ва Умар Шайхга Фарғонани амр қилдилар. Султон Аҳмад мирзога Самарқандни бердилар”. Мирзо Ҳайдар ҳақ. Ҳеч бир ҳукмдор Ҳақ таолонинг дўстлари - авлиёлар гапини икки қилолмаган. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида бу табаррук зот ҳақида шундай ёзади: “Бу мутафаккир зот (Хожа Аҳрор Валий) ўз даврида 20-30 йил мобайнида Марказий Осиё халқларини бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў – эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган.”Шайхлар шайхи”, деб ном олган бу улуг зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодимизни

*бошимизга кўтаришига тайёрмиз”.*⁵² Навоий ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронинг фарзандлари отасига қарши исён кўтарганда, ота-болаларни яраштиришга, урушнинг олдини олишга ҳаракат қилганлиги тарихдан маълум. Иззат Султон “Навоийнинг қалб дафтари” асарида ёзишича, “Султон Ҳусайнда, Ҳиротдаги тинч ҳаётни ташлаб, ўз ихтиёри билан янги бирор юртни босиб олишга жўнаш орзуси тугилганда ёки у тахт даъвосини қилувчи теурийларга қарши қўшин тортишга мажбур бўлганида, Навоий бу сафарларнинг кўпида шахсан иштирок этар ёки пойтахтни сақлаш ва идора этиши учун Ҳиротда қолар эди. Навоий кўпроқ ҳарбий юришларда душманларни яраштириши ниятида қатнашар эди.

Айниқса Бадиуззамон каби, отасига қарши кўп мартаба бош кўтарган, шаҳзодаларни отаси билан яраштиришга Навоийнинг кўп вақти ва дипломатик маҳорати сарф бўлди”.

МУРИДЛАРИ ШУ ҚАДАР КЎПКИ...

Бу икки авлиёнинг ўз замонасининг ҳукмдорлари ўртасида обрў эътибори ниҳоятда юқори эдики, Оққуюнлилар султони Яқуб Мирзо Усмонлилар султони Боязид II ва Шервоншоҳ Фаррух Ясорлар эътиқоди баландлигидан Навоий билан ёзишмалар олиб боришган, элчилар юборишган, янги асарларни ўқиш учун жўнатишни илтимос қилишган. Қатор салтанат соҳиблари сингари Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийни ўзига пир ҳисоблаган.

Хожа Аҳрор Валий ҳам ўз замонаси ҳукмдорларининг пири муршиди саналган. Навоийнинг ёзишича, “...Ҳазрат Хожгага онча мукнат (салоҳият) даст бердики, маълум эмаски, машойихдан ҳеч кимга ул даст (қўл) берибдур ё йўқ. Йўқки ёлғуз Мовароуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва Озарбайжон, ҳаттоки бир соридин Рум ва Мисргача ва бир соридин Хито ва Ҳиндгача барча мулук ва салотин ўзларин Хожанинг маҳкуми ҳукми ва маъмури фармони бирла тутарлар эрди ва руқбалари бу салотинга онча муяссир эрдиким, аларнинг аҳкоми ўз худдомига бўлмагай ва Ҳазрат Хожгага зоҳир жамияти барча абнои замондин кўпрак воқе эрди”. Абу Саид Мирзонинг фарзандлари - Мовароуннаҳр

⁵² Каримов И. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т.: “Шарқ” НМК БТ. 1998 й. 23-б.

ҳукмдорлари, мўғул хонлари, туркий сулолалар султонлари Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг муридлари эди. Буни Абу Тоҳирхўжа “Самария” асарида ҳам тасдиқлайди: *“Барча кучли ва азаматли ҳоқонлар хожага қуллик, фармонбардорлик ва ихлоскашлик камарини белларига боғлагандирлар. Хонлар, бошларида хонлик жилгаси ва белларида подшоҳлик камари бўлгани ҳолда, унинг узангусида яёв югурар эканлар. Хожанинг эшигидаги хизматчиларга қарши озгина одобсизлик кўрсатган киши давлат ва мамлакатдан, балки тириклик ва соғлиқдан ажралиб, замонанинг ибрати бўлур экан. Валоят (валийлик) ва тасарруфининг кучлигидан халқнинг ичи ва тошига эга бўлиб, истаган йўлига бошқарар экан. Хожа ички ва ташқи гўзалликлар билан безанган бўлиб, ички нисбатида шунча ширинлик бор эдиким, унинг бандига тугилганларга туганмас лаззат ва битмас ҳаловат муяссар бўлур экан. Чунончи бунинг шоҳиди мазорининг зиёратидирким, ўлган кўнгилни ва тугилган юракни тирилтиради”*.

***Хожалар корхонасининг хожаси,
Бахтлиларнинг қибласи Убайдуллоҳдир.***

Ўз замонасининг султонлари пири комил Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор билан маслаҳатлашар, айтган сўзидан чиқишмас, унинг ҳузурига элчилар юборишар ва у билан хат ёзишиб туришарди. Навоий бу ҳақда жумладан шундай деди:

***Йўқки мамоликка ниғаҳбон ўлуб,
Барча салотин уза султон ўлуб.
Руқъалари етса не шаҳ қошига,
Иш ани қўймоглик ўниб бошига.***

Шунингдек, мурид - ҳукмдорлар хонадонида фарзанд дунёга келганда бу улуғ зот шаҳзодаларга исм қўйиб берган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ёзишича, Маҳмуд Султон Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийдан ўз ўғлига ном қўйишни сўраган. *“Ўз номларини беришлари ул зотнинг зўр марҳаматларидан бўлдики, шунинг учун унинг (Убайдуллахоннинг) бебаҳо асарлари ва яхши номларининг оқибати оламда боқийдир”*. Бобур Мирзо туғилганда Қутбул авлиё исм қўйиб бергани “Тарихи Рашидий”да ёзилади: *“(Умар Шайх Мирзо) Ҳазрати Эшон қаддасаллоҳу сирраҳудин от қўймоқни сўрадилар. “Заҳрирдин Муҳаммад деб от қўйинглар”, - дедилар”*. Бобурнинг она томондан

бобоси Юнусхон ушбу исмни айтишга қийналгани учун шахзодани Бобур (Йўлбарс) деб атай бошладилар.

ЖИЛОВБАРДОР ПОДШОҲЛАР

Муҳаммаджон Маҳмуд Навоийнинг Султон Ҳусайн Байқарога “Хамса” топшириш пайтини куйидагича тасвирлайди. “Ҳусайн Бойқаро ўзига аталган “Хамса”ни Навоий кўлидан қабул қилиб олар экан, кўпдан бери айтмоқчи бўлган орзусини изҳор этиб, “Бир можаро сиз билан бизнинг орамизда аллақачондан бери ҳал бўлмас эди, бугун шу ишни бир ёқлик қилайлик. Сиз менинг пирим бўлинг ва мени муридликка қабул қилинг”, - дейди. Бунга жавобан Навоий “Ё Олло, ё Олло, бу қанақа сўз бўлди! Йўқ, йўқ! Сиз бизнинг муршидимизсиз, биз эса сизнинг муридингизмиз”, - дейди. Шунда ҳукмдор “Муршид ўзи нимаю, мурид ўзи нима?” – деган саволни ўртага ташлайди. Шоир “Муршиднинг хоҳиши муриднинг хоҳиши бўлиши керак”, - деб жавоб берар экан, шоҳ “Агар мен пир бўладиган бўлсам, менинг хоҳишим шундай бўлади”, - деб, мулозимларга оқ отни эгарлаб келтиришни буюради. От келтирилгач, Ҳусайн Бойқаро унинг жиловини ушлаб, Навоийни минишга таклиф этади. Шоирнинг отга минидан бошқа иложи қолмайди. Шоҳ эса одатга кўра, муридларча (яъни, ўша замон одатига кўра, пир отлик йўлга чиққанда, икки мурид эҳтиёт юзасидан от жиловининг икки томонидан ушлаб борган) жиловдор бўлиб, отни етаклай бошлади. “Бадоеъул-вақоеъ”да ёзилишича, шу пайт Навоий ҳушидан кетади. Уни эгардан кўтариб оладилар. Хожа Аҳрор Валий билан ҳам худди шундай воқеа рўй берган. Яъни, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор отда юрган вақтда Султон Абу Саъид Мирзо унинг ёнида пиёда борган.

“СИЗ БОРСИЗ, ЮРТ ТИНЧ...”

Иккала шахс ҳам ўз мамлакати аҳолиси ва кўшни мамлакатлар ҳукмдорлари ўртасида нуфузи ва мақеининг кучлилигидан “Юрт тинчлиги ва осойишталиги кафолати ҳисобланишган. Ҳеч бир кўшни мамлакат ҳукмдори Навоий ёки Хожа Аҳрор Валий яшаган юртга лашкар тортишга юраги бетламаган. Ана шуни пайкаган ва

чуқур англаган шайхлар шайхини пири деб тан олган Султон Абу Саид Хожа Ахрорни 1451 йилда Тошканддан Самарқандга чақириб олади. Тўғрироғи, Абу Саид Тошкентга борганида Хожа Ахрорга кўл бериб мурид тушади ва пирнинг ғайбий мадади билан Мирзо Абдуллони енгиб, Самарқандни эгаллагач, аёлиёлар йўлбошчисини Амир Темур пойтахтига кўчириб олиб келади. Султон Абу Саид Хожа Убайдуллоҳ дуосини олиб, Шохрух Мирзо салтанатининг (Хуросон ва Мовароуннаҳр) ҳукмдорига айланади. ”Султон Абу Саиднинг истаги ва илтимоси билан Самарқандга кўчиб келиб, Хожа Кафшир маҳалласида тура бошлади”, - дейди бу боради Абу Тохирхўжа.

Абдуллатифнинг ўғли Муҳаммад Жўги Абу Саиддан енгилиб, Шохруҳияга беркинганда ёки Абулқосим Бобур Балхга хужум қилган подшоҳни таъқиб қилиб, Самарқандни қирқ кун қамал қилганида, темурийлар пирининг юзидан ўтолмаган мирзолар сулҳ тузишга рози бўлишади. Абулқосим Бобур Хуросонга қайтади, Жўги Мирзо эса таслим бўлади. Бу ҳам ўз навбатида Хожа Убайдуллоҳ Ахрор аҳоли осойишталиги ва қирғинбаротларнинг олдини олиш йўлида жонбозлик кўрсатганидан далолатдир.

Султон Ҳусайн Бойқаро эса Хуросон тинчлигининг устунларидан бўлмиш дўсти Навоийнинг мамлакатни муайян вақт тарк этишига, ҳатто ҳажга бориб-келишига унамайди. Ваҳоланки, Навоийни муборак ҳаж зиёратига юбормасликнинг бош сабаби ҳам ана шу эди. Ва ниҳоят 1500 йилда махсус фармон билан ҳажга рухсат этилган бир пайтда Хуросоннинг улуғлари, машойихлари, олимлар ва иршод аҳли Навоий хонадонига келиб, ундан ҳажни кечиктиришни илтимос қилишади. ”Сизнинг баракалар ёғилиб турган шахсингиз Хуросон мамлакати вилоятларидаги тинчлик ва аҳолининг турли табақа ва гуруҳларига мансуб кишилар ўртасидаги осойишталикка сабаб бўлиб турибди... Айниқса, (ҳозирги пайтда) ўзбек подшоси Мовароуннаҳрга хужум қилган ва Амударёдан (жанубга) ўтишни мўлжаллаб турган, Ироқ ва Шомдаги вазият ҳам ўта нотинч, йўллар эса ўта хатарли бир чоғда, улуғ шариат қонунларига кўра ҳам бундай вазиятда ҳажга бориш вожиб ҳисобланмайди. Бу фақирларнинг (сиздан қилмоқчи бўлган) илтимоси шуки, бу йил ушбу сафарни амалга ошириш фикридан

қайтсалар ва ушбу эзгу ишнинг савобини пиёда амалга оширилган етмиш ҳажнинг савобидан ортиқ кўрсалар”.

ДУНЁГА КҰНГИЛ ҚҰЙМАДИЛАР

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳам, Алишер Навоий ҳам молу дунёга кўнгил қўймадилар. “Ҳайрат ул-аброр”да Навоий Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорни Баҳоуддин Нақшбанднинг барҳақ халифаси (маънавий вориси) сифатида таърифлаб, деҳқончилик ва тижорат билан шуғулланганлигига қарамасдан, дунёдан кўнглини буткул узганлигини айтиб ўтади.

Гарчи тижорат бўлиб ойинлари,

Бўлмади бу мулкда таскинлари.

Юклариди тухфаи нақди фано,

Ҳар бир ул нақддин истаб гино.

“Сабъаи сайёр”да Навоий тушида Баҳромшоҳ билан учрашар экан, Эрон подшоҳи авлиёлар авлиёси ҳақида жумладан шундай дейди: “...Халқнинг айтишича, сен (Навоий) дунёга қизиқмас эмишсан, дунё ишидан нохурсанд бўлиб, ундан қисилар экансан... Ҳатто дунё молига нафрат назари билан қарар эмишсан...” Инчинун, бу икки валий - комил зот ҳам ўткинчи дунёга кўнгил қўймай, охират тадоригини кўриб, Яратган висолига интилганлар. Чунки бу дунёга келишдан мақсад ҳам Навоий таъбири билан айтганда, “камолот касб этиш - Ҳақ таоло жамолини кўриш”дир. Ҳойнаҳой, тасаввуф таълимотининг бош мақсади ҳам комил инсонга айланишдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т.Ўқитувчи, 2008.-Б.288.
- 2.Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Т. Ғ.Ғулом номидаги БАН, 1966.-Б.216.
- 3.Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т. Шарқ НМАК БТ, 2014.-Б.744.
- 4.Алишер Навоий: Қомусий луғат. Биринчи жилд. Т. Шарқ НМАК БТ, 2016.-Б.536.
- 5.Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Т. Мумтоз сўз, 2013.-Б.624.
- 6.Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: Манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т. Академнашр, 2011.-Б.326.
- 7.Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Т.Мумтоз сўз, 2014.-Б.192.
- 8.Алишер Навоий. Девони Фонӣ. ТАТ. Ўн жилдлик. Бешинчи жилд. Т.:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2012.-Б.860.
- 9.Абдуллаев В.А. Алишер Навоий Самарқандда. Т.: Билим, 1967.-Б.34.
10. Аъзам А. Абзорлар ҳайрати. //Жаҳон адабиёти.-Тошкент, 2021.-№7.-Б.7.
- 11.Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. Т.: Ёзувчи, 1994.-Б.77.
- 12.Фахруддин Али Сафий. Рашоҳоту айнил-ҳаёт. Т.:Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.305.
- 13.Абу Тоҳирхожа. Самария.Т.: “Камалак”, 1991.-Б.27.
- 14.Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т.: “Ҳилол –нашр”, 2016.-Б.123.
- 15.Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами.7-том. Т.: “Фан”, 1991.-Б.97-98.
- 16.Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Т.: Ўзбекистон, 2008.-Б.849.
- 17.Шухрат Сирожиддинов. Алишер Навоий манбаларнинг қиёсий – типологик, текстологик таҳлили. Т.: “Академнашр”, 2011.-Б.55.
- 18.Насафий. Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд. Т. Фан-1993.
- 19.Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. Биринчи китоб. Т. Ёзувчи-1996.
- 20.Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Т. Ғ.Ғулом номидаги НМИУ-2012.
- 21.Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. Т. “Ҳилол нашр”- 2016.
- 22.Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Бешинчи жилд. Т: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ-2012.
- 23.Донишмандлар тухфаси. Рубойлар. Т: Ўзбекистон-2009.

24. Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдуллонома. Биринчи китоб. Т: “Шарқ” НМК БТ-1999.
25. Олимов С. Нақшбанд ва Навоий. Т.: Ўқитувчи, 1996.-Б.216.

МУНДАРИЖА

1.Маънавий жасорат соҳиблари.....	3
2.Навоий дунёқарашининг шаклланишида.....	3
3.Навоий ва нақшбандия.....	9
4.“Мушарраф қилдим ўзни суҳбатиға”.....	15
5.“Сарой хизматидан кетманг”.....	16
6.Шайхонтахур набираси.....	18
7.Авлиёнинг устозларидан бири.....	20
8.Туркистоннинг табаррук валийси суҳбатлари.....	27
9.Жомий қошида ўқилган китоб.....	31
10.Шаҳи Нақшбанд.....	35
11.Дил баёру, даст бакор.....	45
12.Дуолари мустажоб авлиёлар.....	46
13.Рафоҳият ва фароғат замони.....	47
14.Амир Аҳмад Ҳожибек ва Амир Алишер Навоий.....	52
15.Навоий Самарқандга қачон борган?.....	57
16.Фақр аҳли пешволари.....	59
17.Қадами кутлуғ, баракали зотлар.....	61
18.“Ҳожа Убайдуллоҳ кутқариш учун юбордилар”.....	62
19.“Рухимдан мадад топгайсан”.....	63
20.Бошқа киёфага кирган авлиё.....	64
21.Урушларнинг олдини олиб.....	65
22.Муридлари шу қадар кўпки.....	66
23.Жиловбардор подшоҳлар.....	68
24.“Сиз борсиз, юрт тинч!”.....	68
25.Дунёга кўнгил қўймадилар.....	70
26.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71

ШЕРХОН ҚОРАЕВ

ТЕМУРИЙЛАР ПИРИ

ЁХУД ХОЖА УБАЙДУЛЛОҲ АҲРОР ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

(Илмий – оммабоп нашр)

Муҳаррир: В. Мусаев,
Техник муҳаррир: И.Тоғаев,
Техник муҳаррир: М.Тоғаев,
Компьютерда саҳифаловчи: А.Абдурахмонова.

Тасдиқнома.5565, 03.03.2021.

Теришга берилди: 06.02.2023 йил.

Босишга рухсат этилди: 18.03.2023 йил.

Офсет қоғоз. Қағоз бичими 60x84 1/16.

Тимес New Роман гарнитураси. Шартли босма табоғи 5,0

Нашр ҳисоб табоғи 4,90. Адади 100.

“Интеллект” нашриётида тайёрланди.

ҚарМИ кичик босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил: 180100. Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225 - уй,

Телефон 91-466-80-32